Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

9

1992 йил 2 март (48)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Баҳор — қадаминг қутлуғ келсин!

Исоқжон бува ўғли Турдибой билан. Суратка ш. Б. СОДИҚОВ.

Юз сатр дил сўзи

БОҒ—ХАЗИНА

Олтинкўл районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 105 ёшли Исоқжонбува Ҳамроқулов ҳозир ҳам ҳасса тутмайдилар. Ўтирганда ёстиққа ёнбошлашни ёқтирмайдилар, ўрниларидан тураётганда «ё пирим» дейдилару лекин набираларнинг ёрдамига муҳтож бўлмайдилар.

Ўзлари қувноқ — дилкаш суҳбатни ёқтирадилар, ипга чизилгандек хотираларини сиз билан беминнат баҳам кўрадилар. Исоқжонбувани суҳбатга тортиш учун менинг савол беришим унчаям шарт бўлмади.

— Газиттанмисан, болам?— дея ўзлари гап бошладилар.

— Болам-ай, бу бошим нималарни кўрмади дейсан. Ўртаҳол деҳқон эдик. Сигир-бузоғим, от-уловим, Аттор-хонбойдан уч йилгача 35 сўмдан пул бериб тўқайдан очиб олган 25 таноб ерим бор эди. Ҳаммасини колхоз олди. Ўшанда «Камбағал гуруҳи» деган колхоз тузилувди-да. Қара, 70 йилда ўша колхознинг номига лойиқ одамлар бўлиб қолдик. Уруш йили уч ака-ука батальонда ишладик. Иккита укам Сибирда қолиб кетди. Фарғона каналида ҳам ишлаганман. Йўлдош отанинг ўзи тўн кийгизган менга. Фарҳод ГЭСгаям бордим. Яна колхозда пахта экдим. Ўша йиллардан битта орттирганим Йўлдош ота берган тўн бўлди. Эсдалик-да.

Э... болам, юртнинг каттасидан элга нимадир қолсин экан. Усмон Юсупов билан Йўлдош отадан Фарғона канали эсдалик бўлди элга. Мени шукур қилганим шуки, Каримовдан одамларга ер қоладиган бўлди. Кўп хайрли иш бу. Ишласанг, ҳамма нарса тўкин бўлади, болам. Мана мен ҳозир ҳам бекор қолсам диққат бўлиб кетаман. Ўтган йили Турдивой билан анча-мунча кўчат экдик. Ёнгоқнинг ўзидан 50 туп, 30 туп шафтоли. Бир узумзорларим бўларди. Бай-бай, хили кўп эди. Ҳаммасини бузиб пахта экишди. Эсласам юрагим ачийди.

Баъзан хайфим келади. Далада нуқул хотин-халаж ишлайди. Манаву ҳовлимизнинг ёнидаги 8 гектарли ерда бир пайт звинавой эдим. Бир суткада бир ўзим суғориб бўлардим. Ҳозиргиларда ғайрат йўқроқми, уюшмаганми, билмадим, алпдай йигитлар ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ деб суғоришниям уч-тўрт кунгача чўзиб юришади. Ишлашсанг йигитчасига ишлагин деб айтдим, бир куни.

Умримда бир мартаям дўхтирга бормаганман. Шукур, касал ҳам бўлмадим. Анжондаги мачитга бориб номажума ўқиб келаман, ҳозир ҳам. Турдибой болам машина олсам, ўзим обориб юраман, дейди. Ўн йилдан бери ҳаракат қилади. 11 та боласи бор. Ўзи пилла бригадири, 19 та мол боқиб фермер ҳам бўган. Машина олиб қолса ажабмас.

Қишдан ҳам омон-эсон чиқаяпмиз. Баҳор эрта келадиганга ўхшайди. Бу ҳам одамларнинг бахти. Ниятни яхши қилсак давлатимиз бутун бўлади.

Баҳор эшик қоқяпти, бува...

Вақт ғаниматда кўчат экинглар, боғ яратинглар. Кейин халққа ризқ-насиба улашасизлар. Боғ хазинадек гап, болаларим!

— Бува шу баҳонада Сизни бир суратга туширсак девдик...

— Майли, фақат чиройлироқ қилиб тушир... 7 та боласи, 35 та невараси, 30 га яқин чевараси бор деб ёз. Аксига кампирим катта ўғилникига кетган эди-я, эсиз... Бўлмаса у ҳам расмга тушиб қоларкан-а.

Исоқжон бува Ҳамроқуловнинг дил сўзларини Замира ХЎЖАМБЕРДИЕВА ёзиб олди.

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармонига биноан:**

— Ўткир Тўхтамуродович СУЛТОНОВ Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири;

— Пўлат Мажидович АБДУРАҲМОНОВ Самарқанд вилояти ҳокими;

— Ҳаким Эшбоевич БЕРДИЕВ Сурхондарё вилояти ҳокими қилиб тайинландилар.

● **ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимияти билан касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши бозор иқтисодиёти шароитида 1992 йилда меҳнаткашларни ва аҳолини социал ҳимоялаш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим имзоладилар.** (Ушбу Битим матни ва шарҳини газетанинг келгуси сонида ўқийсиз).

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилот (ИҲТ)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.**

● **ТОШКЕНТда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг навбатдан ташқари курултойида Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бир овоздан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси этиб сайланди.**

● **ОЛТОЙ моторсозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп минг кишилик жамоаси мажбуран таътилга чиқишга тўғри келди. Шерик заводлар, аввало металлургия комбинатлари ўз маҳсулотларини вақтида етказиб беролмаётганликлари корхонанинг тўхтаб колишига сабаб бўлди.**

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Каримов Хельсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи ҳужжатига имзо чекди. Шу ҳужжатни яна тўрт республика раҳбарлари ҳам имзоладилар.**

● **АҚШ Президенти Жорж Буш ишсизларга нафақалар тўлаш муддатини улар яшаб турган штатдаги иқтисодий аҳволга қараб 26 ҳафтадан 33 ҳафтагача узайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекди.**

● **ЎТГАН бир ярим йил ичида Германиянинг янги ўлкаларида ҳунармандчилик корхоналари ва устахоналари сони 80 мингдан 160 мингтага етди. Ҳозир уларда 600 минг киши меҳнат қилаяпти.**

ХАЛҚНИ ҲИМОЯЛАШ

ёки бозор иқтисодиёти даврида жамоа шартномаси

***БУГУН** турмуш шароитимиз ҳақида уялиб гапирамиз. Уялмаслик учун нима қилиш керак. Чораси борми, ўзи. Касаба уюшмалари халқ ҳимоячилари, унинг манфаатини кўзловчи жамоат ташкилоти сифатида бугун қандай ишлар қилгани маъқул бўларди, деган мавзулар суҳбатимиз мазмунини ифодалади.*

Бу гал махсус мухбиримиз Тўлқин Муҳиддинга Тошкент вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, иқтисод фанлари номзоди Камолжон Шодиметов ҳамсуҳбат бўлди.

Т. М. Сизнингча, бугун ёмон яшаётганимизнинг асосий сабабини ахтаргандан кўра, ундан тезроқ чиқиш йўлини топганимиз маъқулмасми?

Қ. Ш. Гапингизга қўшиламан. Иқтисодий сиёсат нарх-навони кўтариб юборди, ишсизликни келтириб чиқарди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб, ўрта ҳол аҳоли ҳам қашшоқлар даражасига туша бошлагани маънавий қашшоқликни кучайтирди. Маънавий қашшоқ халқ иқтисодий мустақилликка эришиши жуда оғир бўлса керак.

Т. М. Камолжон, худди шундай оғир дамда жамоа хўжалиги аъзоларини социал-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш имкони борми? Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирган деҳқон ўша маҳсулотга ўзи эга бўлаолмаса. Дейлик ўзи сут етиштирса-ю, уйида сути бўлмаса, ғалла ундирса-ю, уйига керагича ун сотиб ололмаса. Бу қанақаси!

Қ. Ш. Тўлқин ака, саволингизга тушундим. Парокандалик ҳамма соҳада сезиляпти. Бу яхши эмас. Шундай пайтда биз касаба уюшмалари фаоллари тўғри режа тузиб уни амалга оширишимиз ҳар қачонгидан ҳам зарур. Янглишмасам мутлақ кўпчилик манфаатини кўзлайдиган ягона ташкилот касаба уюшмаларидир. Уларнинг ишлаш вақти келди. Халқнинг манфаати йўлида қанча кўп ишланса шунча обрў-эътиборга эга бўладиган давр ҳозир.

Т. М. Шу гапни амалда кўрсатиш учун сизнингча нима қилиш керак?

Қ. Ш. Энг биринчи галда, касаба уюшмалари мулк эгаси билан меҳнат жамоаси ўртасида шартнома тузилишига бош-қош бўлиши лозим.

Т. М. Янглишмасам бундай шартномалар авваллари ҳам тузиларди. Самарадорлиги эса...

Қ. Ш. Тўғри. Тузилган шартномалар қоғозда қолиб кетарди, чунки расмиятчилик билан тайёрланарди. Энди эса давр ўзгарди. Касаба уюшмалари ҳозирда ҳам кечагидек ишлашса халқ улардан тўла воз кечади. Шу боисдан касаба уюшмалари ўзларининг асосий иш мезонларини ўзгартирдилар. Улар энди меҳнат кишиларини ижтимоий-иқтисодий, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласи билан фаол шуғуллана бошладилар. Бу вазифани амалга ошириш учун шартнома тузишга катта эътибор билан қарашмоқда.

Т. М. Муносабат ўзгараётганига ишонасизми?

Қ. Ш. Ҳа, ўзгараяпти. Мисол учун бизнинг соҳага кирувчи Янгийўл консерва заводини олинг. Бу заводда касаба уюшмаси фаолларининг фаоллиги туфайли ойлик маош 1990 йилга нисбатан 4 баравардан кўпроққа ошди. 100 га яқин ёлғиз оналар, кўп болали аёлларнинг текин овқатланиши таъминланди. Заводдаги ем бўладиган чиқиндилар ишчиларнинг шахсий хўжаликларидаги молларга ажратилмоқда. Ёлғиз нафақахўрлар учун моддий ёрдам кўрсатилди ва уларнинг пенсияларига қўшимчалар белгиланди. Бундай ёрдам касб касаллиги билан касалланиб меҳнатга лаёқатини йўқотган кишиларга ҳам белгиланди. Болалар боғчаси бепул бўлди.

Болаларнинг пионер лагерларида дам олиши учун ота-оналар ўтган йили атиги 23 сўмдангина пул сарфладилар. Қолган харажатлар касаба уюшмаси билан завод ҳисобидан тўланди. Кўп болали аёлларнинг кўпчилиги солиқлардан озод қилинди. Меҳнат таътили кунлари 24 кунга узайтирилди.

Ишчиларнинг маошини яна ошириш кўзда тутилмоқда. Йил охиригача 64 квартирали уйни фойдаланишга топшириш, 2 та 48 квартирали уй қурилишини режалаштириш, ишчилар учун сауна қуриш, аёллар учун косметика салонлари очиш каби бир қанча ишлар ҳам шу йилга мўлжалланган.

Т. М. Шу ва шунга ўхшаш енгилликлар жамоа шартномасида ўз аксини топганми?

Қ. Ш. Ҳа-да. Мен мисол учун шу завод маъмурияти билан жамоаси ўртасида тузилган шартномадаги гапларни айтдим. Бундай жамоалар вилоятимизда жуда кўп. Аксари жамоа хўжаликлари, давлат ташкилотлари жамоа шартномаларига худди юқорида айтган, масалаларни ёзишмоқда ҳатто ҳозир бепул ёки арзонлаштирилган овқат бериш ҳақида маҳсус бандларни шартномага киритмоқдалар.

Т. М. Бахтсиз ҳодисалар бўлмасину, лекин турмушда учраб турганлиги учун айтаяпман, шартномаларда шу масала ҳақида ҳам бир нима айтилганми?

Қ. Ш. Айтилган. Масалан, бахтсиз ҳодиса туфайли халок бўлганлар оиласига ҳозирча 10 минг сўм миқдорида товон пули тўланиши ўз аксини топган.

Т. М. Ҳозирча биз жамоа шартномасида нималарга эътибор қилиш маъқуллиги ҳақида гаплашдик. Шартнома тузишда кўзга ташланаётган камчиликлар ҳақида ҳам гаплашсак.

Қ. Ш. Бажонидил. Кўпчилик жамоа шартномаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг деярли барчасида юқоридан берилган схемага амал қилиш касали бор. Ижодий ёндошиш йўқ. Аксарият ҳолда шартнома бандларида эришилсин, таъминлансин, кўтарилсин, камайтирилсин, каби умумий сўзлар ўрин олган. Ваҳоланки, бу ҳужжатда ҳар бир меҳнаткашнинг ўз меҳнати эвазига нимага эга бўлиши кўрсатилиши керак.

Т. М. Жамоа шартномаларида кўрсатилган шартлар бажарилмай қолиши мумкинми ёки дейлик, айрим раҳбарлар у ёки бу бандни бажаришдан бош тортишлари ҳам турмушда бўлиб турадими?

Қ. Ш. Яхши савол бердингиз. Бизда яқинда худди шундай бир воқеа бўлиб ўтди. Вилоят сув қурилиши мелорацияси трестининг 4-кўчма механизация колоннаси бошлиғи Т. Абдусатторов жамоа шартномасидаги белгиланган пенсияга узатиш пайтида бериладиган ёрдам пули миқдорини ўз буйруғида ўзича 2500 сўмга камайтирган. Бу иш нотўғри бўлганлиги учун касаба уюшмаси суд органлари ёрдамида шартномада белгиланган пулни тўлалигича, яъни 5724 сўм миқдорида пенсияга чиқаётган ўртоққа ундириб берди. Бу билан айтмоқчиманки, шартномага маъсулият билан қарамоқ керак.

Т. М. Раҳмат. Энди шу шартнома ким томонидан ва қандай тайёрланади ва қандай анжуманда тасдиқланаяпти шу ҳақда ҳам икки оғиз гапириб берсангиз?

Қ. Ш. Шартнома лойиҳаси касаба уюшмалари раҳбарлигида фаоллар иштирокида йиғилган таклиф ва мулоҳазалар асосида бунёд бўлади; кейин бу таклиф ва мулоҳазалар пакети ишбилармонлардан тузилган комиссияга топширилиб, мутахассислар касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари иштирокида экспертизадан ўтказилади. Бу лойиҳа қуйи бўғинларда муҳокама қилингач, жамоанинг умумий йиғилиши ёки конференциясига олиб чиқилади. Бу йиғилиш ёки конференцияда моддий неъмат яратувчилар фаоллигини таъминлаш керак. Улардан яхши, ҳаётий фикрлар кўпроқ чиқади.

Т. М. Демак, давлат корхоналари жамоа шартномалари тузишлари шарт. Лекин бизда ҳозир шахсий, акционерлик, кооператив ва бошқа турдаги ишлаб чиқаришлар мавжуд. Шундай жамоаларда шартнома тузиш масаласига қандай қарайсиз?

Қ. Ш. Ижобий қарайман. Уларда ҳам шартнома тузиш керак деб ҳисоблайман. Чунки қаерда ёлланган меҳнат бор бўлса, ўша ерда кишилар ҳимояга доим муҳтож бўладилар. Демак уларнинг жонига аро кирадиган, уларни иш берувчи билан бўладиган хоҳишларини қондириш ва келиштириши мумкин бўлган ягона ҳужжат бу жамоа шартномасидир.

Т. М. Лекин бугунгача бу имкониятдан кўплаб кичик меҳнат жамоалари фойдаланмаяптилар-ку!

Қ. Ш. Тўғри айтасиз. Вилоятимизнинг ўзида савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, деҳқончилик саноатидаги айрим қайта ишловчи тармоқлар жамоалари шартномасиз ишлаяптилар. Улар ўзлари алоҳида уй-жой қуриш, болалар муассасалари, маданий-маиший иншоотларни қуриш имкониятига эга эмаслар. Шу боисдан тармоқлар ўртасида жамоа шартномаси тузиш лозим деб ўйлайман. Бу мақсадга мувофиқ иш бўлади. Эндиликда советлар молиявий мустақилликка эга бўлдилар. Улар ўз маблағлари ҳисобига кўплаб социал-маиший объектлар қуришлари мумкин. Шу боисдан касаба уюшмалари билан Советлар ўзаро битим тузишлари зарур деган фикрдаман. Ҳозир гапиришаётган шартнома, бу ўринда битим деб юритилади. Шунинг учун битим сўзини ишлатдим.

Т. М. Қисқа вақт ичида касаба уюшмалари ўз фаолиятларини жамоа шартноамаларини тузишга сарфлашгани мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Қ. Ш. Ҳа, тўғри. Бизнинг уюшмамиз ҳам шу муҳим масалага катта маъсулият билан ёндошмоқда. Ишни вилояти деҳқончилик-саноати касаба уюшмасига кирувчи барча маъсуллар билан шу масалада ўқув уюштиришдан бошладик. Қўмитамиз мутахассислари жойларда шартномани тайёрлаш ва қабул этилишида фаол ёрдам кўрсатиш учун жўнаб кетдилар.

Т. М. Кетган ўртоқлар жамоа шартномасини қабул қилдириб келишса бўлдими. Ёки унинг мазмунига ва бажарилишига ҳам эътибор беришадими? Тўғрироғи маъсуллик қилишадими?

Қ. Ш. Табиийки, шу ишга маъсуллик қилишади. Бунинг устига шартнома тўғрисида ҳар томонлама чуқур ўйлаб, қанчалик кўп ҳимоя услубларини қўллаб ёзилган шартномани баҳолаш мақсадида кўрик-конкурс ташкил қилдик. Бу ҳам ўз самарасини берар деган умиддамиз.

Т. М. Хулоса қилиб, меҳнаткашларни бозор иқтисодиёти шароитида социал-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминласак касаба уюшмаси ҳам, маъмурият ҳам кўнгилсиз воқеалардан холис бўлиши мумкин деб айтсак бўладими?

Қ. Ш. Бўлганда қандоқ. Фақат шундагина биз ўз олдимизга қўйган вазифани бажарган бўламиз. Ниятимиз ҳам мана шу.

Т. М. Ундай бўлса, ниятингизга етинг, деймиз. Мустақил Республикамизнинг эртанги куни, бахти-саодати учун бугун ҳар бир инсон виждонан ҳалол меҳнат қилиши керак. Касаба уюшмаларимизда ҳам расмиятчи, ўз манфаатинигина ўйлайдиган ҳаром товоқлар камайиб ҳалол, имонини йўқотмаган одамлар кўпайса, боя айтилган яхши ниятга эришиш шунча тез мумкин бўлади. Нима дедингиз, Камолжон?

Қ. Ш. Гапингизга тўла қўшиламан. Зора тезроқ шундай бўлса.

МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши Раёсати кўшиқчилик санъати ва ўзига хос жанр соҳасида республика пойтахти касаба уюшмалари мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Пойтахт касаба уюшмалари бадиий жамоаларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бири 20 минг сўмлик учта мукофотни таъсис этди. Мукофотлар ғолибларга ҳар йили Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган 1 сентябрь куни топширилади. Бир йўла «Ўзбекистон пойтахти касаба уюшмалари мукофотининг лауреати» унвони ва лауреатлик дипломи ҳам тақдим этилади.

Низомга мувофиқ мукофотга Тошкент шаҳридаги, шунингдек қайси идорага алоқадорлигидан қатъий назар бошқа шаҳар ҳамда вилоятлардаги концерт ташкилотлари ва маданият муассасалари кўрсатилиши мумкин.

Мукофотлаш учун материаллар қуйидаги қўнимгохга юборилиши керак: 700165, Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси 24-уй, касаба уюшмалари шаҳар кенгаши.

Ахборот

ТИЖОРАТ БИЛИМГОҲИ

Бухоро режа-иқтисод техникуми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори асосида тижорат билимгоҳига айлантирилди.

Техникумнинг фақат номи ўзгарибгина қолмай, балки ўқитиш жараёни ҳам тубдан янгиланди. Бу ерда давр талабига ҳозиржавоб ишбилармонлар, тадбиркор ва воситачилар тайёрланади.

Келажакда билимгоҳ колледжга айлантирилиб, таълим-тарбия ишлари икки босқичда олиб борилади. Ўқувчи-ёшлар биринчи босқичдан кейин ўрта махсус таълим олганликлари тўғрисида ҳужжатга эга бўладилар. Иккинчи босқичда эса, ўқишни давом эттириб кичик муҳандис-иқтисодчи дипломини олишади.

«УМИД» БЕЛГИСИ БИЛАН

Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» давлат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан Хумработ қишлоғида «Умид» кичик корхонаси очилди. Чиқараётган маҳсулотлар орасида болалар ва катталар учун ички ва устки кийим-кечаклар бор. Улар бежиримлиги, сифати ва замонавийлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Ражаб НОСИРОВ.

Касаба уюшмаси ҳаёти

МУСТАҚИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳозирги шароитда касаба уюшмалари олдига қандай вазифалар қўйилаяпти? Уларнинг мустақиллигини таъминлаш, иш услубини такомиллаштириш юзасидан қандай чораларни кўриш керак? Мухбиримизнинг Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Эсон РАЖАБОВ билан суҳбати шу муаммоларга бағишланди.

— Эсон ака, шу кунларда Республикамиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеалар содир бўлаяпти. Шундай шароитда касаба уюшмаларининг асосий вазифалари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатдан ҳам биз бугун жуда қийин ва масъулиятли даврни бошдан кечираяпмиз. Республикамиз ҳозир расман мустақил деб тан олингани билан ҳали тўла мустақил бўлишимиз учун машаққатли йўлни босиб ўтишимиз керак. Шундай экан, энг аввало, халқимиз Президент атрофида маҳкам жипслашиши, аҳил бўлиши зарур, деб ўйлайман.

Мен узоқ йиллардан буён касаба уюшмалари органларида ишлаб келаяпман. Ўзимнинг тажрибамдан шуни яхши биламанки, касаба уюшмалари шу пайтга қадар иккинчи даражали юмушлар билан банд қилиб келинди. Касаба уюшмаларини маълум бир қолипдан, чизиқдан чиқмасликка мажбур этардилар. Энди эса шу принцип билан ишлаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Касаба уюшмалари мустақил ташкилот ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг асосий мазмуни деб билмоғи лозим. Буни ҳар бир касаба уюшма фаоли ўз ишида тадбиқ қилиши керак. Бироқ ҳозирги кунда ҳам жамоа ёки давлат хўжалиги, муассаса ёки корхона раҳбарига югурдаклик қилиб юрган касаба уюшма қўмиталари раислари борлиги ачинарлидир. Ўз қадрини билмаган бундай раислар қандай қилиб халқни, жамоани ҳимоя қилолсин?! Масала равшан. Биз касаба уюшмаларининг обрўйини, аҳамиятини кўтаришимиз, улар эса ўз вазифалари билан шуғулланишлари лозим.

— Ҳар сафар бозордан ул-бул харид қиларканман, серфарзанд, камбағал оилалар, камдаромадли кишилар хаёлимга келади. Сизнингча, ҳукуматимизнинг аҳолини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилган тадбирлари етарлими? Вилоят касаба уюшмаларида бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Халқимиз шу нарсани тўғри тушуниб олиши зарур: яхши кунларимиз кўп бўлган, бугун эса оғир даврни бошимиздан кечираяпмиз. Агар олдимизда турган қийинчиликларни сабр-бардош билан енгсак, йўлимизни тўсиши мумкин бўлган кучларни тадбиркорлик, аҳиллик билан мағлуб этсак, ишончим комилки, фаровон, яхши кунлар яна келади. Шу кунларда камдаромадли, серфарзанд оилаларни ҳимоя қилиш юзасидан Президентимиз чиқарган қатор фармонлар, ҳукуматимиз қабул қилган қарорлар ижобий натижалар бераяпти.

Аҳолини ҳимоя қилиш юзасидан ҳукуматимиз кўраётган тадбирлар ҳар қанча яхши бўлмасин, одамларнинг эҳтиёжларини тўла қондирмайди ва фаровон яшашини таъминлай олмайди. Шундай экан касаба уюшмалари меҳнаткашларни ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча чоралар белгилаётган жойларда, корхона ва муассасаларда бирмунча ютуқлар қўлга киритилаяпти. Масалан, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасида ишчи-хизматчиларга қарийб бир йилдан буён қўшимча юз сўмдан пул тўланаяпти. Ҳар бир кишига овқатланиш учун пул берилмоқда. Корхонада оила қураётган ва бир фарзанди бўлган ёшларга 1500 сўм қарз берилаяпти. 1991 йилда 40 дан зиёд оилага ана шундай мадад берилди. Бундай оилалар бир фарзанд кўришганда қарзнинг 200 сўмидан, икки фарзанд кўришганда эса 300 сўмидан кечиб юборилади.

Ульянов районидаги 18-давлат хўжалигида маъмурият ҳисобидан аълочи ўқувчиларга стипендиялар бериш жорий этилган. Бундай мисолларни вилоят касаба уюшмалари фаолиятидан яна кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, қаердаки, касаба уюшмаси фаоллари жон қойитиб ишлашаётган бўлса, бундай ташкилотларда одамлар манфаатлари етарлича ҳимоя қилинаяпти.

Бозор иқтисодига ўтиш табиий равишда ишсизларнинг кўпайишига олиб келади. Касаба уюшмалари бу табақанинг манфаатларини ҳимоя қилиши зарурдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, касаба уюшмалари энди ўзларининг ҳақиқий юмушлари билан шуғулланадиган давр келди.

— Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар қилинаяпти ва қилиниши мўлжалланаяпти?

— Бозор иқтисоди жуда кўп кишиларга кенг имконият очиб берди. Ишбилармонлар, тадбиркорлар жадал ишга киришиб кетдилар. Ҳозир бизда шундай бир жараён бораяпти-ки, ким қандай пул топаяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Чироқчида Чияли деган машҳур қишлоқ бор. Ўша қишлоқнинг бозорида бўлганмисиз! Ўзингизни худди чет элга бориб қолгандек ҳис қиласиз. Бу бозордан хоҳлаган нарсангизни топишингиз мумкин. Фақат нархи осмонда. Чиялига ҳар якшанба куни республикамизнинг турли бурчакларидан бойваччалар келишади. Қўлида энг яхши чет эл молларини ушлаб чайқовчилик қилаётган ёш-ёш йигитларнинг хусусий фабрикаси бор деб ўйлайсизми? Улар савдонинг бошида турган акахонларимизнинг «ҳожатбарорлиги» туфайли яйраб юришибди. Бу ҳол қачонгача давом этади, билмадим.

Қасаба уюшмалари вилоят кенгашининг ишчи назорати инспекцияси савдо, умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини мунтазам равишда текшириб туради. Бу текширишлар натижалари тўғрисида район ва вилоят газеталарида мақолалар эълон қилинаяпти. Айбдорларга чоралар кўрилаяпти. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалари ҳам вақти-вақти билан текшириб борилади. Лекин шу нарсани таъкидлаш лозимки, текширув ва назоратдан қатъий назар камчиликлар камаймаяпти. Менинг фикримча, халқ мулкига, меҳнаткашлар ҳақига хиёнат қилаётганларга карши жазо чораларини кучайтиришимиз зарурга ўхшайди.

Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши 1992 йилда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштираяпти. Жойларда аҳолини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигига риоя этиш юзасидан қилинаётган ишлар қаттиқ назорат қилинади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини вақти-вақти билан текшириб туриш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилди. Улар аниқ дастур ҳамда кишиларнинг шикоят ва аризалари асосида иш кўради.

— Сиз ўтган йили Италияда бўлиб қайтдингиз. У ерда касаба уюшмаларининг фаолияти қандай тартибда экан? Умуман олганда, республикамизда касаба уюшмаларининг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Италия жуда гўзал ва тўкин мамлакат экан. Одамлари маданиятли ва тартибли. Мен у ерда бўлганимда аввало, касаба уюшмаларининг фаолияти билан қизиқдим. Италияда касаба уюшмалари мутлақо мустақил эканлар. Улар ҳукуматга ҳам, партияларга ҳам тобе эмас. Қейин уларда биздагидай ҳамма оммавий равишда касаба уюшмаларига аъзо бўлиши шарт эмас экан. Қасаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиб, муҳим масалаларда ҳукумат билан музокаралар олиб бораркан. Иш ташлашлар, ҳар хил намойишлар ташкил қиларкан. Умуман, уларда биз ўргансак арзийдиган жиҳатлар ҳам анчагина.

Республикамиз касаба уюшмалари фаолиятида ҳам давр, замон билан боғлиқ равишда туб ўзгаришлар содир бўлаяпти. Ҳозир тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари мустақил фаолият кўрсатаяптилар. Лекин менинг шахсий фикримча, кучларни бўлиб юбориш унчалик маъқул эмас, куч бирликдадир. Хўш, келгусида республика касаба уюшмалари қандай бўлгани маъқул? Ҳозир шундай бир даврки, олдиндан бир гап айтиш жуда мушкул. Масалан, бундан бир йил муқаддам Совет Иттифоқидек улкан бир мамлакатнинг тарқаб кетишини ким тасаввур қилганди. Бироқ шуни аниқ айта оламанки, халқ ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган бир ташкилотга эҳтиёж бор. Қасаба уюшмалари шу вазифани уддалай олади. Боя айтган гапимни яна такрорлайман, касаба уюшмалари мутлақо мустақил бўлгандагина халқ ўртасида обрў-эътибори тобора ошаверади. Айниқса, ҳозирги қалтис, мустақиллигимиз тақдири ҳал бўлаётган даврда барча касаба уюшмалари бир тан, бир жон бўлиб, ҳамжиҳатлик билан халқ тарафида туриб, жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, қудратли мустақил давлат бўлиши йўлида курашиши керак. Бу қутлуғ ишда ҳамма касаба уюшма фаолларига куч-қувват, ғайрат тилайман!

«Ишонч»нинг ўз мухбири
А. ТАЙПАТОВ суҳбатлашди.

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРНИНГ САДАҒАСИ КЕТАЙ

Бугун Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тадбиркор аёлларининг учрашуви бошланади.

Аёллар раҳбарлик ишига табиатан лаёқатли бўлишади. Психологларнинг таъкидлашича, уларда олдиндан ҳис этиш ва сезиш қобилияти яхшироқ ривожланган. Бундай фазилатлар жамоадаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатади. Айни пайтда улар масъулиятни чуқурроқ ҳис этишади. Шундай экан, тадбиркор аёлларни тайёрлаш фурсати келгандир, балки?

Ҳозир биз бозор тўғрисида тинимсиз гапиряпмиз. Бозор аёлларнинг нормал ҳаёт кечиришларини таъминлашига ишончимиз комил. Лекин бунинг учун албатта тайёргарлик кўриш лозим. Аёлларга фақат имтиёзлар бериш йўлидан бориб бўлмайди. Уларни боқимандага айлантириб қўйиш ярамайди. Биз имтиёзлар тўғрисидаги барча қарорларни бир жойга тўпласак, каттагина хирмон бўлади. Шунга қарамай ҳаёт кундан-кунга қийинлашяпти. Шунинг учун хотин-қизлардан тадбиркорлар тайёрлаш дастурини тезда ишлаб чиқиш керак.

Биз Ғарбга қараб кўп нарсани ўрганишга интиламизу, аммо нима учундир у ерда аёллар қандай ҳимояланганлигини кўрмаймиз. Улар билан сўзлашсангиз 2—3 мутахассислиқни эгаллаганликларини, 2—3 тилни билишларини англаб оласиз. Биз ҳам жамиятнинг ва хусусан хотин-қизларнинг психологиясини ўзгартиришимиз, уларда янги иқтисодий шароитга кўникма ҳосил қилишда ёрдам беришимиз лозим.

Аёл кишига бахтни зўрма-зўраки тиқиштиришнинг кераги йўқ! Зеро ҳар бир киши бахтни ўзича тасаввур қилади. Кимлар учундир бахт — бу бола-чақа, уй-жой... Баъзи аёллар ўзларини жамоат вазифаларига бахшида этадилар. Бу — уларнинг бахти, танлаган йўли, эркинлиги. Жамият ҳам агар у ўзини маданий жамият деб ҳисобласа, ҳар биримиз учун шундай имконият яратиб бериши керак. Ходима аёлларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи шарт-шароитни вужудга келтириш учун яқин йиллар ичида жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Жамиятнинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари аввало хотин-қизлар меҳнати ва маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тизимини қарор топтиришга қаратилмоғи лозим.

Бироқ, бизнингча, ишсизлик хавфи реалликка айланиб, оила боқиш тобора қийинлашаётган ҳозирги шароитда аёлларни иш билан таъминлашни такомиллаштиришнинг социал-иқтисодий йўллари баён этилган дастур ишлаб чиқилиши зарур. Шу туфайли келажакда аёлларнинг тадбиркорлик ва бизнес соҳасига оммавий равишда кириб келиши мумкин бўлади. Аммо социал муҳит бунга ҳали тайёр эмас. Ҳозир оғир иқтисодий вазиятдан эсон-омон чиқиб олишга кўмаклашиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар қарз бериш, имтиёзлар яратиш, қўшимча тўловлар, яъни, хайр-садақадангина иборат бўлиб қолянти. Бу, албатта, кўпчилик учун нажот бўлянти, лекин ишга яроқли соғлом аёлларга жамият боқимандалари қаторида юриш алам қилмайдими, ахир?! Энди оёққа туришимиз, ўрганишимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз керак. Ҳаракат қилишимиз, албатта ҳаракат қилишимиз зарур.

Бизнес, худди бозор каби эркакмисан, аёлмисан, суриштириб ўтирмайди. Аёлларга заифаман, деб баҳона қилиш кетмайди. Бизнеснинг аёлларга мос соҳалари мавжуд. Улар шу соҳаларда ўз имкониятларини кенгроқ ва чуқурроқ намойиш этишлари мумкин. Булар аввало, хилма-хил хизматлар, хусусан тиббиёт, болалар тарбияси, умумий овқатланиш ва ниҳоят ақлий меҳнат: дизайн, моделлар, ижод намуналари, буюмлар кўргазмалари. Фаолиятнинг бу турларида хизматни таклиф этувчи билан ундан фойдаланувчи орасида шахсан муомала, мулоқат, жонли алоқа бўлиши муҳим.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва тадбиркор аёллар Уюшмаси ташаббуси билан ўтказиладиган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг тадбиркор, бизнесмен, менеджер ҳамда корхоналарга раҳбарлик қилаётган аёллар учрашуви айни шу масалаларга бағишланади.

Учрашув аёлларга ишбилармонлар оламида ўзларини йўқотиб қўймаслик, амалий алоқалар ўрнатиш, ўзаро таклифлар айирбошлаш имконини беради.

Келинглар, жамиятимиз ва иқтисодиётимиз келажаги учун олиб борилаётган бугунги мураккаб курашда эркакларга мададкор бўлаётган аёлларга бахт ва омад тилайлик.

Мавлуда ШУКУРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маслаҳатчиси.

АВВАЛ ИҚТИСОД...

Ҳаётимизга қайта қуриш ғоялари кириб келди-ю, ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди. Сиёсий ва иқтимоий жараёнларда рўй бераётган воқеалар силсиласи ҳар бир кишини ўйлантириб қўя бошлади. Куни кеча «капитализмнинг сарқити, иллати» деб уқтирилган омилларнинг ҳеч иккиланмай ҳаётга тадбиқ этилиши кўнчиликни ҳайрон қолдирмоқда.

Қайта қуриш ғоялари маъқул тушмаган бир гуруҳ кишилар «бу йўл бизни капиталистик жамиятга қайтаради» деб олдинданоқ ундан умид узишган бўлса, истеъмолдаги моддий неъматларнинг тақчиллиги ва бу тақчиллик келтириб чиқараётган салбий ҳолатлар кучайгач яна бир гуруҳ кишилар ундан юз ўгиришди. Оқибатда «қайта қуриш зарурмиди — йўқмиди» деган савол тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди.

Бўлаётган шундай воқеаларни таҳлил этиб бир иқтисодчи сифатида ўз фикримни билдиришга қарор қилдим.

Бизнингча йўл қўйилган барча хато ва камчиликларнинг асосий сабаби янги жамиятнинг ўзига хос икки хусусияти деб топилган факторларда эди. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) Кишининг киши томонидан эксплуатация қилиш воситаси бўлган хусусий мулкчиликнинг йўқ қилиниши ва шу асосда жамият аъзоларининг қарама-қарши гуруҳларга ажралишининг бартараф этилиши-ю, улар ўртасидаги зиддиятларнинг тугатилиши;

2) Ишлаб чиқаришни стихияли тарзда эмас, режали — пропорционал ривожлантириш асосида мўл-кўлчиликка эришиш.

Белгилаб олинган асосий вазифани ҳам эслаб ўтиш жоиздир: ҳар бир кишининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш асосида турмуш фаровонлигини юксалтириш.

Эътироф этиш керак, белгилаб олинган мақсад эзгу эди, бироқ...

Ҳар бир кишига фаровон турмуш, бахт-саодат бахш этиши лозим бўлган ва шу мақсадни кўзлаб амалга оширилган икки омил, яъни хусусий мулкчиликнинг йўқ қилиниши ва ишлаб чиқаришни режали-пропорционал ривожлантириш ўзининг ижобий ҳислатлари билан бирга салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарди. Худди шу нарса давлат монополиясининг — ҳамма нарсани ўз қўлида тутиб турувчи, бошқарувчи марказнинг вужудга келишига шароит яратиб берди. Ҳамма нарса умумхалқ мулкига айлантирилиши билан, ўша мулкларга кимдир жавоб бериши, қандай фойдаланилаётганини кузатиб туриш зарурияти йўқотилмаганди. Ёки маълум даражада ҳукм ўтказмай туриб жамиятдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш мумкин эмасди. Ўйлаб қаралганда Сталиннинг ўрнида бошқа шахс бўлганида ҳам шундай йўл тутиши табиий бир ҳол эди. Давлат монополиясини қай даражада хатарли эканлигини Сталин қатоғон йиллари жуда очиқ намойиш қилди.

Демак, ҳамма нарсанинг умумхалқ мулкига айлантирилиши, тўғрироғи эгасиз қилиб қўйилиши ва мансаб курсисида ўтирган кўйи ҳоҳлаган соҳанинг исталган жараёнига аралашиш имкониятини берувчи режалар давлат монополиясини юзага кетирди.

ИСЛОҲОТ ЗАРУРИЯТИ

Умумхалқ мулкидан бошқача тартибда фойдаланиш зарур, қуйидан туриб режалатириш керак деган фикрларнинг асоссиз экалиги шу жойда очиқ кўринади. Қуйидан туриб режалаштиргандан кўра умуман режалаштирмаган маъқул эканлигини ишлаб чиқаришдаги шу соҳага даҳлдор ҳар бир киши яхши тушинади.

Янги жамиятнинг ўзига хос икки хусусиятининг яна бир салбий жиҳати шунда эди-ки, у иқтисоднинг ривожланишига кишан бўлди. Ҳатто, янги жамиятнинг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланган 80-йилларда ҳам айтиш мумкинки, иқтисод инқироз ҳолатида эди. Натижада шу даврларда ҳам минг-минглаб ишчи-деҳқонлар зўрға рўзғор тебратишгани ҳеч кимга сир эмас...

Ўша даврлардаги (бугунги кунда баъзан тушимизга кириб чиқаётган) маълум даражадаги тўкин-сочинлик (аслида кўп нарса ўтмас матоҳлар эди) табиий бойликларни аямай-нетмай чет элга сотиш ва эвазига маҳсулотлар сотиб олишнинг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан давлат монополиясига ҳеч қандай зиён-заҳмат етказилмаган ҳамда у ёшу-қариси озми-кўпми меҳнат қилаётган меҳнаткаш халққа нималарнидир етказиб бериб туриш зарурлигини яхши англарди. Фикримизнинг исботи сифатида ўжар рақамларга мурожаат қилиб ўтирмайликда собиқ СССРнинг собиқ раҳбарининг 1989 йилнинг 15 мартида қилган маърузасидан бир парча келтириб қўя қолайлик.

«Воқелигимиз шундайки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бизга етишмаяпти. Давлат чет эллардан дон, гўшт, мева, сабзавот, қанд, ўсимлик ёғи ва бошқа баъзи маҳсулотларни кўплаб ҳарид қилишга мажбур бўлаяпти. Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам, далаларнинг унумдорлиги жиҳатидан ҳам, чорва маҳсулдорлиги жиҳатидан ҳам, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳилма-ҳиллиги ва сифати жиҳатидан ҳам биз ҳамон ривожланган катта ва кичик мамлакатлардан орқада қолмоқдамиз. Бу тафовут қисқармаяпти, балки ортиб бормоқда»...

Янги жамиятнинг ўзига хос икки хусусиятининг навбатдаги салбий жиҳати (энг асосийси ҳам) шунда эдики, у меҳнаткаш халқни изланувчанлик, ташаббускорлик, меҳнатдан чинакам манфаатдор бўлиши каби ҳислатлардан маҳрум қилиб, айтилган топшириқнигина бажарадиган жонли роботга айлантириб қўйди. Халқаро Нобель мукофотининг лауриати Албер Камю «Тенглик озодлик кушандасидир» деганида минг карра ҳақ эканлигига яна бир карра ишонасан киши. Одамларда ишчанлик кайфиятини юзага келтириш учун давлат раҳбарлари нималарни ўйлаб топмадилар? Янги жамиятнинг афзаллигини кўкларга кўтариб мақташ дейсизми, қаттиқ қўллик дейсизми, Стахановчилик ҳаракати дейсизми, социалистик мусобақа-ю, ўзаро тажриба алмашиш дейсизми, турли-туман орден-медаллар улашиш дейсизми... Э-ҳе, буларнинг ҳаммаси бир мақсадни кўзлаб амалга оширилган эмасмиди?.. Барибир, ҳеч маҳал кутилган натижага эришилмади. Ишчи-деҳқонларда жонланиш тугул, ҳатто ўз меҳнатининг самарасига беписандлик билан қараши кучая борди. Маълумотларга қараганда қишлоқ хўжалигида етиштирилган мева, сабзавот, картошканинг 40 фоизи йиғиштириб олиш даврида йўқолиб кетади. Бугдойни йиғиштириб олишдаги нобудгарчилик АҚШда ялпи ҳосилнинг 2 фоизини ташкил этгани ҳолда, бизда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади. Ёки, иқтисодчи олим М. Ризаевнинг келтирган фактларига кўра жумҳурият вилоятларининг лалмикор ерларида етиштирилаётган бошоқли — дон экинларидан олинаётган ҳосил баъзи йиллари 2—3 центнерни ташкил этиб ҳатто шу экинларни ўстиришга қилинган ҳаражатларни ҳам қопламайди. Ҳатто, сепилган уруғлик ҳажмида ҳосил олинмаётган майдонлар мавжуд.

Яширмай айтиш зарур, ўз ҳаётидан, турмуши даражасидан кўнгли тўлмай яшаган, яшаётган кишилар неча минглаб топилади. Йўқ, уларнинг ҳаммасини қўрқоқликда ёхуд ўта камсуқумликда айблаб бўлмайди. Улар эртанги кунга, фазандларининг келажагига умид билан боқиб яшаган. Олиб борилган таргибот — ташвиқот ишлари шунга ундарди. Дарди ичида эди одамларнинг.

Биз бугунги кунда капиталистик мамлакатларнинг иш услубларини ҳаётимизга татбиқ қилинишидан ҳавфсираяпмиз. Аммо, янги жамият кўкларга кўтарилиб мақталган, капиталистик мамлакатлардаги (ижобий воқеалар умуман рўй бермаётгандек) фақат салбий ҳолатлар аёвсиз фош қилинган йиллари ҳам, ўша «йиртқич» мамлакатларнинг иш услублари ҳаётимизга татбиқ қилинган. Бирлаштириш, йириклаштириш ғоялари етарлича самара бермай қўя бошлаганидан сўнг, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, бригада пудрати, звено пудрати, оила пудрати ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Олимларимизнинг эътироф этишларича 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида Вьетнамдаги (жанубий қисм) деҳқон хўжаликларини турли-туман кооперацияларга бирлаштириш ишлари ижобий натижа бермаган. Деҳқонлар ишламай қўйишган, шаҳарларга кета бошлаган. Натижада мамлакат четдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга мажбур бўлган. Шундан кейин ер деҳқонларга 10—15 йил муддатга бириктириб қўйилган, яъни оила пудрати юзага келтирилгач, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортган.

Хуллас, иқтисодни жонлантирадиган янги-янги омилларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этавериш зарур. «Камбағаллашсанг камбағаллаш, лекин бойиб кетма» шиорини, «Ҳар қанча бойисанг бойи, бироқ камбағал бўлиб қолма» шиорига алматириш даври келди.

Козим ДАВРОНОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти аспиранти.

БОРГА БОР ДУНЁ

Эркин нархлар жорий этилган ҳозирги шароитда меҳнаткашлар, оналар ва болалар ҳоли не кечаяпти, уларни социал ҳимоя қилиш юзасидан қандай чоралар кўрилаяпти?

Бу саволга қуйидагича жавоблар олдик.

МУҲАББАТ БОБОЖОНОВА — Республика болалар суяк сили санаторийси шифокори:

Мен болалар шифокориман. Ўзим ишлаётган суяк сили санаторийсида даволанаётган болаларга қараб туриб баъзан фикрларим чалкашиб кетади. Биласиз, санаториймиз Тошкентнинг бир чеккасида жойлашган. Лекин шу кунда уни олис қишлоқларда яшаётган жуда кўплаб одамлар осон топиб келишади. Қатнайвериб ўрганиб қолишган-да. Ахир уларнинг болалари бу ерда бир ой, икки ой эмас, камида бир ярим — икки йил ётишади. Ҳозир 500 га яқин бемор боламиз бор. Кўпчилиги 5—8 ёшдаги болажонлар. Уларнинг аксарияти пертес яъни илик суягининг қуриб қолиши касаллигидан азият чекишади.

Биласизми, пертес касаллиги нимани оқибати? Ўта камқувватлик, гўшт ва оқсил моддали таомларни истеъмол қилмаслик оқибати. Бизда даволанаётганларнинг қарийб 90 фоизи ўзбек болалари. Ўша 90 фоизнинг аксарияти эса қишлоқлардан. Энг ачинарлиси шундаки, бу болачаларнинг касаллиги арзимаган қоқилиб йиқилиб тушишдан бошланган. Чунки шундоқ ҳам нимжон илик суяги мана шу арзимас қоқилиб тушишнинг зарбини ҳам кўтаролмайди. Қурий бошлайди. Минг шукур, ҳозир олим Пертес томонидан бу касалликнинг давоси, қандай кечиши аниқланган. Икки йилда бўлса ҳам даволаяпмиз. Санаторий шароити ёмон эмас. Болаларга олти маҳал овқат, мактаб ёшидагиларга дарс соатлари жорий қилинган.

Қишлоқ жойларида мунтазам гўшт маҳсулотларини худди шаҳардаги каби аҳолига сотишни йўлга қўйиш керак. Қишлоқда мол, қўй боқилади дейишлари мумкин. Лекин боқилаётган қўй ёки молни ҳар куни бир четидан кесиб қозонга солиш имкони йўқ ахир. Касаба уюшмалари қишлоқ болалари учун дўконларда давлат нархида гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотилишини ташкил этиши керак.

МУҲАММАДЖОН МЎМИНОВ — Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг муовини:

Ўтган йил зиддиятларга, тақчилликларга бой бўлса-да, лекин халқимизнинг ўз-ўзини танишида қадриятларимизнинг тикланишида, имонга, виждонга қўнган догларни ювиш харакатининг бошланишида муҳим роль ўйнади. Бу ўзига хослик, биз касаба уюшмалари ходимлари учун ҳам аҳамиятли. Демоқчиманки, биз фақат аъзолик бадаллари йиғиш ва юқори органлар режалари билан ажратилган ажратмаларни халққа тақсимлаш билангина шуғулланувчи уюшмадан халқни ҳар томонлама ҳимоя қилишга отланган, унинг манфаатлари учун мустақил курашувчи уюшмага айланаяпмиз. Халқимиз — серфарзанд. Маълум фармонлар чиқди, уч ёшгача боласи бўлган аёлларимиз уйда бола тарбияси билан бемалол шуғулланадиган бўлдилар. Лекин улар бугунги иқтисодий танглиқдан ҳимояланишлари керак. Бу ҳимоя аёл ишлаётган корхона ёки ташкилотга ҳавола қилинган. Бироқ кимнинг имконияти етяпти, кимники йўқ. Икки ўртада ишхоналар (мен имконияти торроқларни назарда тутяпман) аёлларни, айниқса болалари борларни ишга олишга гарчи қонун кўтармаса-да безиллаб қолишяпти чамаси.

Борга бор дунё-да. Мана бизнинг Қувасойдаги ойна ва гишт ишлаб чиқариш корхонамиз бу имкониятларни тўлиқ амалга оширяпти. Ҳатто ишлаётган ишчиларга кунлик овқати учун ўн сўмдан ажратяпти. Лекин маҳсулот ишлаб чиқармайдиган ташкилотларчи. Уларнинг имкониятлари чекланган-ку. У ердаги ишчи-хизматчилар ҳимояси ҳақида давлат бир ўйлаб кўрса яхши бўларди. Тўғри бизнинг вилоят касаба уюшмамиз соғлиги заифроқ ишчи ва хизматчилар учун махсус пархез таомларга бепул талонлар жорий қилди. Лекин бу вилоятдаги ҳар минг кишининг ўн еттитасига тўғри келади холос.

Назаримда давлатга тўланаётган фоизлик муқобиллаштириш товонлари ҳисобидан ҳимояни кучайтириш керак. Корхонанинг ўзига ташлаб қўйиш жудаям тўғри эмас.

ОЙТУРА ҲАЙДАРОВА — Андижон вилояти Олтинкўл район хотин-қизлар қўмитаси раиси:

Умидлар ҳақида сўраганда дард айтиш ғалатироқдир, лекин наилож, юракдаги гапни айтиш керак. Мен қишлоққа ажратилаётган маҳсулотларни кўпайтириш, сифатини яшилаш зарур, деб ҳисоблайман. Ҳомиладор, айниқса камқонли аёлларга атаб махсус дўконлар очдик. Бепул таъминотни йўлга қўйдик. Лекин дўконда маҳсулот ҳар доим ҳам бўлмайди. Айниқса аёллар истеъмол қилиши шарт бўлган гўшт маҳсулотларига ҳеч ёлчимаяпмиз. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларида хомиладор аёлларнинг камқонлик билан оғримагани йўқ ҳисоби.

Дўконга талон кўтариб бир-икки бориб қуруқ қайтган аёлнинг хафсаласи совуб кейин бормай ҳам қўяяпти. Жамиятнинг гуллаб яшнаши учун кураш зарур бўлса аввал шу аёллар соғлиги учун курашиш керак.

Замира РЎЗИЕВА

Фармойишлар

БАХТ УЙИНИНГ ТАШВИШЛАРИ

ЁХУД СЕПСИЗ КЕЛИНЛАР ҚИССАСИ

Эшитяпсизми, яқинда тўй бўлади. Йигит билан қиз биргаликда илк бор катта ҳаёт йўлига қадам қўядилар. Оила деб аталмиш боғнинг миришкор боғбони бўладилар. Бу боғда сарвқомат ниҳоллар вояга етади.

Эҳ, боғни бунёд этмоқ бугунги кунда осон кечяяптими? Айниқса, Тошкентдек орзу-ҳаваслари жуда бисёр одамлар яшайдиган азим шаҳарда? Биз келин тушадиган уйни тўйдан камида бир ҳафта олдин турли мебеллару чўғдек гиламлар, сўзанаю баҳмал чойшаблар билан безатиб қўйишга одатланиб қолганмиз. Бу — қизи борлар учун бурчга, вазифага айланиб колган. Хўш бозор иқтисоди даврида аҳволимиз қалай?

Тошкент шаҳри марказидаги Наврўз номли бахт уйи мудири **Бўстонхон Шерматовага** сим қоқдим.

— Сизга тантанали равишда ЗАГС (никоҳ)дан ўтаётган келин-куёвлар керакми ё тантанасиз?

Мен Бўстонхоннинг саволидан олдинига бироз таажжубландим.

— **Тантанасиз ҳам никоҳ бўладими?**— деб сўрадим.

— Мебелга справка (маълумотнома) олиш учун йигит билан қиз никоҳни олдиндан расмийлаштирадилар. Паспортларига мухр босилади. Кейин тўй куни куёв-келинлик либосида қайтадан келиб, тантанали равишда...

Ажаб, келин-куёв юрагида оқ каптардек канот қоққан сирли, сеҳрли ҳаяжон-чи? Энг яқин дўстлари, опаукалари қуршовида, қучоғида рангоранг гуллар билан илк бор никоҳ дафтарига имзо чекаётган йигит-қизнинг ҳаяжонини тасвирлашга энг дилбар, энг ҳароратли сўзлар ҳам ожиз қоладилар. Йўқ-йўқ, бу ҳолатни фақат куёв-келин бўлганларгина ҳис этадилар. Лекин улар бугун ўша «мебель» деб аталмиш қимматбаҳо ва камёб матоҳ топиш ташвишида тўйдан бир ой олдин никоҳдан ўтиб олган ва то ўша матоҳни топгунича қанча эшикларга бош уриб, яна кийим-кечак ахтариш, тўй дастурхонини безаш ҳаракатида юриб, ҳатто баъзилари санманга бориб қолишган бўлишса-чи?

Учрашганимизда Бўстон Рашидовнадан шу ҳақда сўрайман:

— Нимасини айтасиз, — дейди у, — баъзан юрагим эзилиб кетади. — Шунча йил Бахт уйида ишлаб кейинги икки-уч йилдагидай қийин ҳолатга тушмагандим. Ўша сиз айтган ташвишни бошидан кечирган, мебель дардида бир ой олдин никоҳдан ўтиб, барча хужжатларни расмийлаштириб олган келин-куёвлар тўй куни ясаниб яна остонамизга қадам қўядилар. Мен уларнинг бахтли дақиқалари билан табриклаётиб, баъзи келин-куёвларнинг кўзларида, чеҳраларида, узук тақаётган нозик қўлларида ўша ўзим кутган ва неча йиллар давомида гувоҳи бўлганим сирли-сеҳрли ҳис-ҳаяжонни, чинакам кувонч ва энтикишни кўрмайман.

— **Тўғри айтасиз, Бўстонхон, — дейман, — мен ҳам атайлаб бу ерга шанба куни келгандим-ки, ёшларнинг кувончларига шерик бўлай деб. Лекин Бахт уйи остонасидан тушиб бораётган куёв-келинларнинг кўплари мебель топа олмай тўйни бошлаб юборишганини, дўкончилар ваъда беришаётганини айтишди. Ва улар «Исм-шарфимизни матбуотга ёзманг, опажон, қариндош-уруғлардан уяламиз, ота-онамиз биздан хафа бўлишади», деб илтимос қилишди. «Энг муҳими севги, энг муҳими бир-бирингизни тушуниб бахтли яшаш, ҳали сизлар учун ҳаммаси олдинда!» деб ёшларни ўзимча овутган бўлдим. Куёв-келин Муножат ва Абдужаббор Нурматовлар бир амаллаб «стенка» олишганини, Раъно ва Ҳикматилла Абдуллаевлар эса ёток мебели харид қилишганини айтишди. Татьяна ва Анатолий Губинлар эса «Мебель ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадик, тўйдан кейин аста-секин топамиз-да» дейишди.**

Келин-куёвларнинг жуда кўпчилиги кийим-кечак харид қилиш учун берилган талонга деярлик ҳеч нарса топа олмаганларини айтишди.

Ҳа, барча яхши нарсалар чайқовчининг қўлида.

— Икки ўртада қоғозлар овора, биз овора, — дейди Бўстонхон. — Ҳар бир талонни бир эмас, бешта дафтарга расмийлаштирамиз. Атлас олиш учун, мебель олиш учун бериладиган хужжатнинг ҳар бирини еттита дафтарга ёзиб қўямиз. Қоида, талаб шундай. Одамларнинг сарсонлигини айтмайсизми. Таниш-билишчилик ва чайқовчилик мавжуд экан, бу талон ва маълумотномалардан одамларга ҳеч қандай наф йўқ. Қўлларида талонни бир ой ғижимлаб дўконма-дўкон юриб, «мана ҳеч нарса топмадик» деб бизга келтириб ташлашади. Баъзи ота-оналар пулларини рўмолга тугиб, «Сиз мебель топиб беринг», деб ялинишади. Қанийди, қўлимдан келса, ёрдам бериб юборсам...

Яхшиси, бу қоғозбозликларни тамоман йўқотиб, ўша имтиёзли бир ярим минг сўм пулни никоҳдан ўтган куёв-келинларнинг қўлига бериш керак, вассалом. Ана шунда ота-оналар тўйга бир ой қолганда югур-югурни бошламай, олдиндан кўрпага қараб оёқ узатадилар. Кўнгил хираликлар камаяди, мебель ё кийим-кечак олиш учунгина ёлғондан «Бахт уйи» остонасига келувчиларга чек қўйилади.

— **Мана, «Наврўз» деб аталмиш чиройли ва янги бинога кўчиб чиқибсизлар. Келин-куёвларни ҳам чиройлик кутиб олаётгандирсизлар, балким.**

Бўстон Рашидовна чуқур хўрсинади.

— Бу чиройлик бино учун, сув ва қувват учун чиройлик ҳақ тўлашимиз кераклигини биласизми? Йилига 600 минг сўм! Қани энди шунча пулимиз бўлса, бир қисмини энг аввало, реклама ишларига сарфлардик. Реклама йўқлигидан келин-куёвлар то хужжатларни тахт қилгунча камида беш-олти марта овора бўлиб келиб-кетадилар. Эҳ, қанийди, сиз айтгандай, келин-куёвларни чиройли кутиб олаётган бўлсак. Биласиз, бизда ҳамма асосан шанба-якшанбада тўй қилади. Бунинг устига тўй бир кунда ўтсин, деган алангали шиоримиз бор. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шанба-якшанба кунлари гурас-гурас ёшлар кириб келишаверади. Биз шошиб қоламиз. Гарчи ҳар бир келин-куёвга аниқ соатини белгилаб берсак-да, барибир «мачитга борамиз, тўй келади, ё тўй юборамиз», деб ҳамма соат 12 гача ўтиб олишга шошилишади. Яна денг бир жуфт келин-куёв билан камида ўн-йирма йигит-қиз келади. Навбат, тартиб деган нарсага баъзилари қулоқ солишмайди. Мана шу тантана хоналарида қадам босишга жой қолмайди.

— **Бу хоналарнинг на деразаси бор, на туйнуги. Тўрт томони бетон деворку. Ҳаво етишмай қолса керак?**

— Топдингиз. Бизни қўятурингу ҳатто ёшларнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетади. Бу бино ресторан ва бар учун қурилган-да. Қани энди, ҳафтанинг бошқа кунларида ҳам кун бўйи навбат билан келишса-ю ёшларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олсак. Қолаверса, бир умр маошимиз бошқа касб эгаларидан кам бўлиб келган. Бунинг устига инспекторларимиз учун бор-йўғи битта кичик хона берилган. Саккиз киши — битта хонада ишлашади. Кечгача етмиш хил савол билан канчадан-канча одамлар мурожаат қилишади. Энг катта хона мўмай даромад келтирадиган суратқашларга хизмат қилади. Болтиқбўйи республикаларининг Бахт уйларида ҳар бир инспектор учун алоҳида хона, олдиларида эса компьютер машинаси мавжуд эканлигини кўрганман.

— **Аввалларида бу соҳага ижрокўмлар маблағ ажратарди. Мана энди пулимиз йўқ, деяпсиз. Буёғи нима бўлади?**

— Масалан, Москвада бу соҳа алмақачон хўжалик ҳисобига ўтган. Никоҳланувчи йигит-қиз маълум миқдорда пул тўлайди. Бизда эса хужжат учун 4 сўм 30 тийиндан тўланади, холос. Бу пулни тўплаб шаҳар бюджетига топширамиз. Ўзингиз энди ўйлаб кўринг, тўй умрда бир марта бўлади. Видеога олишга, қатор-қатор машиналарда юришга, баъзилар ҳатто дабдабали тўйлар қилишга минг-минг сўмлаб пул сарфлай олишади-ю, нақотки никоҳ маросимига масалан, 100—120 сўм пул топа олишмайди. Бу пул билан ёшларга кўрсатиладиган хизматни тубдан яхшилаб олишимиз мумкин эди...

Четдан қараганда Бахт уйи гуллару ҳаяжонларга тўладек кўринади. Аслида-чи?

Мен Бўстонхон ҳузуридан чиққач, ушбу муаммолар хусусида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи муовини Гулжаҳон Ғойибовага мурожаат қилдим. У фуқаролик ҳолатини қайд этиш масалалари бўйича мутасадди. Қаранг-ки, Гулжаҳон Саидовнанинг ҳам дарди ўзига етарли экан.

— Эҳ-ҳе, бозор иқтисоди даврида шунақанги ишларимиз кўпайиб кетди-ки,— дейди у,— одамларнинг дарди-ҳасратини тинглашу далолатномалар ёзиб беришдан бўшамай қолдик. Майда-чуйда ишдек кўринган бу ёзувларга қанча вақт, қанча асаб ва албатта беш тонна қоғоз керак бўлади.

— Беш тонна?! Ҳар йили фақат Тошкент шаҳри фуқаролари ҳолатини қайд этишга-я? Агар республика бўйича ҳисоблаб кўрсак...

— Ҳа. Шундай ҳолатлар бўлади, никоҳдан ўтишга ариза берадилар. Бўстонхон айтганидек, никоҳдан ўтиб, яъни қонуний эр-хотин бўлганликлари ҳақида хужжат оладилар. Лекин қарабсиз-ки, мебель топа олмай ё шу орада бир-бирлари билан келиша олмай тўйгача ажрашиб улгурадилар.

Яқинда бир аёл попукдеккина қизини етаклаб келди. Куёвнинг онасига қиз томондан олиб борилган мебель ёқмапти. Жуда оддий мебель эмиш. Шунинг учун тўй бўлмайди, депти. Қаранг-ки, биз аввало инсоннинг қанақалигига, унинг покиза қалби-ю ахлоқ-одобига эмас, фақат сепига қараб баҳо беришга, сепига қараб тақдир ҳукмини яратишга жуда ўрганиб колганмиз. Яхши-ки, маҳалла қўйни, обрўли кишиларни ўртага қўйиб, ўша қайнона бўлмишни инсофга келтирдик. Тўй бўлди.

Гулжаҳон Саидовна минглаб рақамлар ёзилган қулоч-қулоч қоғозларни варақлашга тутинади.

— Мана, қаранг, ўтган 1991 йилда Тошкент шаҳрининг ўзида 24 минг 191 та никоҳ қайд этилди. Бу яхши. Лекин шу бир йил ичида 9 минг 276 оила никоҳни бекор қилганини айтиш оғир. Буларнинг ичида вақтинча ажрашганлар ҳам йўқ, дейсизми? Шошманг, ҳозир тушунтираман. Уйжой олиш учун ёки ёлғиз она сифатида бошқа имтиёзларга эга бўлиш учун қалбаки ажралишаётганлар, иши битгач яна никоҳдан ўтаётганлар ҳам бор. Мол-дунёсига учиб, ёш-ёш қиз-жувонларнинг етмиш-саксон ёшли қариялар билан никоҳдан ўтаётганига нима дейсиз. Ёки имтиёзлардан фойдаланиш учун вақтинча никоҳдан ўтиб, кейин ажралаётганлар-чи?! Шундай алдовлар учун кетган вақтимизга, қоғозларга ачинаман. Яна денг, хужжатимни йўқотдим деб, такрорий гувоҳнома олиш учун келганлар қанча, чет элга жўнаб кетаётганларнинг хужжатини расмийлаштириш... Ҳар куни, ҳар дақиқада архив ҳужжатларига мурожаат этишга тўғри келади. Лекин қани энди, архив материаллари учун кенгроқ, қулайроқ жойимиз бўлса... Бизда 1861 йилдан бери сақланаётган хужжатлар бор, аммо жовон етишмай ерда тахланиб ётибди.

— **Кечирасиз, Гулжаҳон опа, ҳалиги тўйдан бир ой олдин никоҳни қайд этиш масаласи хусусида, сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчи эдим. Бу ишни балким бошқача ташкил этиш керакмикан?**

— Бўстонхоннинг гаплари тўғри. Қоғозбозлик ҳаммамизни чарчатиб, овора қилиб қўяяпти. Мен масалан, мебель, кийим-кечак харид қилиш ҳақидаги хужжатни маҳалла қўмитаси томонидан берилса, деган таклифдаман. Маҳалла — ҳар бир оиланинг мисоли ота-онаси. Ўша оилани ҳақиқатдан ҳам тўйга тараддуд кўраётганини маҳалла қўмитаси билади. Оила тақдири учун маҳалланинг ролини ошириш пайти келди. Қани энди, ЗАГС идоралари фақат никоҳни қайд этиш билангина шуғулланишса...

— **«Наврўз» Бахт уйи ташвишлари, умуман шаҳар ЗАГС идоралари муаммолари ҳақида нима дейсиз?**

— Шу йил 10 январда Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг фармони чиқди. Жумладан, фармонда судларга, нотариал ва ЗАГС органларига мурожаат этилганда тушадиган маблағнинг 20 фоизини ўзларида қолдириш ҳақида гап бор. Ўтган йили шаҳар ижрокўми 220 минг сўм пул берди. Бу йил ўша имконият ҳам бўлмайди, шекилли... Жуда кўп ЗАГС идораларимиз хароба ҳолда. Масалан, Киров район ЗАГСи идораси тўккиз қаватли турар жой биносининг биринчи қаватига жойлашган. Бир томонда аҳлат уйилиб ётади, бир томонда аҳоли кирибчиқади. Яна денг, бизнинг соҳага коровул, фаррош штати ажратилмаган. Ўша идорамизни ўтган йили уч марта ўғри уриб кетди. Акмал Икромов район ЗАГСи ҳам нобоп бинода иш юритади. «Шодлик» Бахт уйи шундоқ ресторанниг бикинида. Ёғ ҳиди, шовқин асабга тегади. Барча ЗАГС бўлимларида стол-стуллар етишмайди. Қалам, дафтар каби энг зарур нарсалар беришмайди. Масалан, Киевда ўнта ресторанни «Бахт уйлари»га бўшатиб беришипти. Ҳақиқий кошоналар...

— **Хўжалик ҳисобига ўтиш ҳақидаги фикрга муносабатингизни билмоқчи эдим.**

— Тўғри, Москвада, Болтиқбўйи республикаларида ЗАГС идоралари хўжалик ҳисобига ўтишган. Тошкентда эса бу ҳақда ўйланмаяпти. Биз куёв-келинларга хизмат кўрсатиш ишини юқори савияга олиб чиқишимиз керак. Тантанали никоҳ учун куёв-келинлардан пул оладиган бўлсак, ана шу тантана сўзининг маъно ва моҳиятига яраша хизмат қилиш имкони яратиларди. Биз Адлия вазирлигига ўз таклифларимизни бердик. ЗАГС идораларининг ками-кўсти ҳақида ёзма равишда мурожаат қилдик. Зора ижобий натижага эришсак. Маошимиз ҳозир оддий ишчининг маошидан кам, оддий ишчига кўрсатилаётган ғамхўрликлар бизда йўқ. Шунинг учун ҳам гапнинг очиғи баъзи ходимларимиз келин-куёвнинг қўлига қарайди...

Қатор-қатор машиналарнинг шошқин, ҳаяжонли сиреналари янграйди. Куёв-келинлар Бахт уйлари томон ошиқадилар. Майли, тўйлар бўлаверсин. Худойим ёшларга бахтли-саодатли ҳаёт ато этсин. Биз эса яхши кунлар келишига, бозор иқтисоди қийинчиликларидан эсон-омон ўтиб, Бахт уйларига тўкис ҳаёт кириб келишига ишонайлик.

Санъат МАҲМУДОВА

Хатлар - ҳаёт ойнаси

ДУГОНАЖОНЛАР, ЎТИНАМАН, ЧЕКМАНГ!

Аёл — оиланинг, жамиятнинг гули, унингсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. У юришингда, туришингда суянчиғинг. Лекин ана шу муқаддас зот тамакини тутатиб турса-чи? Бундан ҳам хунук томоша бўладими, дунёда.

Мен бир ўзбек қизи сифатида шу тўғрисида кўп ўйлайман. Қаердан одат бўлди бу расм қизларга. Балки Ғарбнинг туҳфа этган «совға»сидир бу. Бироқ эътиқодсиз, имонидан кечган ўзбек қизларининг сигаретага ружу қўйишганини яшириб бўлмайди.

Бу қусур тобора илдиз отиб, оммавийлашиб бораяптики, биз гўё унга кўникиб қолаяпмиз. Бозорга бориб қолсам чайқовчилардан бир қути сигаретани 15—20 сўмга олаётган қиз-жувонларга кўзим тушади. Шунда беихтиёр уларга раҳмим келиб, «Азиз опажонлар, сингилжонлар нега ўзингизни, болангизни заҳарлайсиз, ризқингизни қийиб шу оғу учун пул сарфлайсиз», дегим келади. Агар шу сўзларни айтсам балки улар мени нодонликда, маданиятсизликда айблашар. Бошида ақл ўргатадиган отаонаси, ака-укаси ёки эри борлигини эсимга солиб, менинг донолигимга тупуришар.

Ҳали она сути оғзидан кетмаган ўспиринларни вақтида бу йўлдан қайтаролмадик. Аввалари улар мактабларда яшириниб чекишарди, энди эса очиқ-ойдин, ҳатто ўқитувчиларининг ёнида сигарета тортишади. Бу нима, замонавийликми? Йўқ, улар ҳам отанинг, ҳам онанинг, ҳам муаллимларнинг чекишини кўриб улғайишган. Қуш уясида кўрганини қилади-да, ахир.

Аслида бундай ҳол биз шарқликларга буткул ёт эди. Ҳали ҳам кеч эмас, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Керак бўлса қонунлар ҳам чиқарайлик.

Японияда чекувчига қараганда чекмайдиган кишига кўпроқ иш ҳақи берилар экан. Сабаби — чекувчининг иш унуми паст бўларкан. Балки бизда ҳам шундай тадбир қўлланса мақсадга мувофиқ бўлиб, нафақат аёлларимиз, ҳатто эркакларимиз ҳам чекишни ташлаб юборишармиди.

Ўзбек аёлларидан илтимосим шуки, ҳеч қачон болангизнинг бошини силайдиган қўлларингизга оғуни олманг. Бир тортим сигарета кайфини эмас, ўғил-қизларингизни ҳаётини ўйланг. Оғзингиздан чиқаётган тутун гўзал чеҳрангизга парда бўлмасин, ўпкангиз хириллаб соғлиғингиз завол кўрмасин. Ўзбек қизининг замонавийлиги ҳамиша бўлганидек, унинг иффатида, шарму ҳаёсида, билимдонлигида, зукколигида, ақлу фаросатидадир. Ўзбекона ҳаё ва покизаликдан ҳам зиёда замонавийлик борми, бу дунёда! Йўқ, бўлмайди ҳам!

Ҳолида МАҲМУДОВА,
Тошкент шаҳри.

Болажонлар қалбига йўл топа билишга ҳар куни, ҳар соатда ҳаракат қиладиган муаллима Наргиза Бекова Тошкент шаҳридаги 273-мактабда ишлайди. Бир умр ёш авлоднинг севимли устози бўлинг, Наргизахон.
Ж. БОБОРАҲМАТ олган сурат.

● Гўзал чеҳрангизда парда бўлмасин.

● «Ишонч» ёрдам берди.

● Хайрли ишлар.

ПУЛ УНДИРИЛДИ

— Қисман ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидаги оналарга 5 ойдан бери товон пули тўланмаяпти, дейилади «Оқолтин районидаги Улуғбек номли 7-ўрта мактаб ўқитувчиларидан келган мактубда. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардик. Болаларимиз ҳали 1,5 ёшга тўлмаган. Мактаб директоридан 110 сўмдан ташқари 60 сўм товон пули тўланадими, деб сўрасак,— 110 сўмнинг 60 сўми товон пули, 50 сўми болангники, дейди. Шу тўғрими?

Ушбу хатга вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қ. Қ. Юсупалиев имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.

«Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси хат юзасидан текшириш ўтказиб қуйидагиларни аниқлади.

Болаларнинг нафақа ва товон пули ўқитувчи Мавлонова яшаш жойида бўлмаганлиги учун директор томонидан кассага қайтариб топширилган.

Ўқитувчилардан Қуёнбоева, Рустамова ва Каримова ўртоқларга тегишли ҳужжатлар мактаб директори айби билан район халқ таълими бўлимига топширилмаган ва натижада 1991 йил июль ойидан октябрь ойигача бўлган давр учун уларга нафақа ва товон пули тўланмай қолган. Ҳозирги пайтда 7-ўрта мактабнинг ёш болалик ўқитувчи оналари нафақа ва товон пули билан тўлиқ таъминланишган».

ФАХРИЙЛАР ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

Хўжаобод маорифчилари орасида 258 нафар фахрий бор. Улардан 78 нафари ҳозир ишни давом эттираяпти. Фахрийлардан 39 нафари Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 4 нафари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Уларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида маорифчи-фахрийларнинг район қўмитаси тузилди. Кекса маорифчи Зулунхўжа ака Карамхўжаев қўмита раиси этиб сайланди. Қўмита фахрийларни социал-иқтисодий ҳимоя қилиш, ҳаётдан кўз юмганлар номини абадийлаштириш каби ҳайрли ишларга қўл урмоқда.

Каримжон ҲАКИМОВ,
Хўжаобод районидаги
У. Юсупов
номли 22-мактаб.

ГУЛСАРА ОПА МИННАТДОР

Муҳарририятимизга келган хатларнинг бирида Бухоро вилояти Қоракўл шаҳар, Киров кўчасидаги 38-уйда истиқомат қилувчи Гулсара Рустамова қуйидагиларни маълум қилган эди:

«Менинг 4 нафар болам бор. Иккинчи болам туғма ногирон — кўзи ожиз. Шу қизимга қарайман деб 1989 йилда ишдан бўшадим. Умр йўлдошим «Сибир» кооперативида шофёр бўлиб ишлайди. Кооператив бошлиғи Хўжақулов Нарзулло «қаерга борсанг бор, мен товон пули бермайман», деб икки оёғини бир этикка тиқиб олган. Болаларим учун нафақа ҳамда компенсация пуллари олишимга ёрдам беришингизни сўрайман».

Ушбу хатни биз халқ депутатлари Қоракўл район Совети ижроия қўмитасига йўллаган эдик. Район ижроия қўмитаси раиси Д. С. Тошевдан яқинда қуйидаги мазмунда жавоб олдик.

«— Ҳақиқатда «Сибирь» кооперативи маъмурияти Ўзбекистон Президентининг чакана савдодаги нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Фармонини бажаришга эътибор бермай келганлиги аниқланди,— дейилади жавобда.— Кооператив раиси Р. Ражабов қаттиқ огоҳлантирилди. Гулсара Рустамованинг 4 нафар фарзандига 1991 йилнинг 1 декабрига қадар бўлган вақт учун тегишли 2740 сўм товон пули ундириб берилди».

Муҳарририятимизга Гулсара Рустамовадан келган кейинги хатда ҳақиқатдан ҳам 2740 сўм товон пули олганлиги тасдиқланган ва у ёрдам учун газетага миннатдорчилик билдирган.

ШУ ҲАМ ИНСОФДАНМИ?

Ҳурматли «Ишонч!»

Сизларга ушбу мактубни йўллашимиздан мақсад, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида бизнинг Фориш район маҳаллий ишлаб чиқариш комбинатида бир қанча муаммолар мавжуд. Масалан, 1991 йил июнь ойидан бери бизга товон пули берилмаяпти. Биз тикув цехи қизлари иш ҳақимизни талаб қилиб, бошлиқларга мурожаат қилганмиз. Аммо ҳал бўлмади. Район молия бўлимига ҳам бордик. Лекин бунда ҳам фойда бўлмади. Охири сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Бизларга товон пулини ойлик билан қўшиб берамиз, дейишади. Лекин олаётган маошимизнинг чўғи кам. Бунинг ўрнига цехимизда қишда совуққа, ёзда иссиққа чидаб бўлмайди. Лекин режа оймаой бажариб борилади.

Мукофот деган нарсани умуман билмаймиз.

Ҳозирги маошимиз йўл кирани ҳам қоплай олмайди-ку! Чунки бизнинг ишхонамиздаги барча қизлар қишлоқдан қатнаб ишлашади. Ахир бу инсофсизликка қачонгача чидаймиз? Сизлардан ҳақиқатни топишда ёрдам беришларингизни ва иложи бўлса шу илтимосимизни газетангизда босиб чиқаришингизни сўраймиз.

Д. Қўшоқова, З. Қурашева.
Г. Жўраева ва яна 4
қиз имзо чеккан.

ШИКОЯТЧИ НОҲАҚ ЭКАН

— Деворимнинг орқасида 1,5 сўтих (0,015) ташландиқ ерни бундан 20 йил аввал яроқли ҳолга келтирган эдим,— деб ёзади Калинин районидаги Ўзгариш қишлоқ советида истиқомат қилувчи А. Муроджонов «Ишонч»га йўллаган хатида.— Шу жойга узум, шафтоли, малина кўчатларини экиб ҳосилга киритганман. Ҳозир шу мевалар айни ҳосилга кирган пайтида Навоий номли колхоз ер тақсимловчиси А. Исматов жойни қўшним номига ўлчаб берди. Бу ҳақда мен колхоз раиси ўртоқ Ниёзовга мурожаат этдим. Раис: «Мен ўртоқ Исматовга айтаман, тўғри ўлчаб беради», деб ваъда берди. Ўртоқ Исматов раиснинг айтганини қилмади, чунки у қўшнимдан пора олганга ўхшайди. Бу ҳақда қишлоқ Совети раисига мурожаат этган эдим, у киши ҳам ҳеч қандай чора кўрмади.

Мен III гуруҳ инвалидиман. 28 сўм миқдорида пенсия оламан. Компенсация билан 100 сўм бўлди, аёлим 110 сўм пенсия олади. Оиламизда иккаламиздан бошқа даромад келтирадиган одам йўқ. Томорқамдан чиқадиган узум ва шафтолиларни сотиб тирикчилик қилиб турардим.

Ушбу хатга райижроқўм раиси вазифасини бажарувчи Р. Йўлдошев имзоси билан қуйидагича жавоб олдик.

«Фуқаро А. Муроджоновнинг шикоят хатини ўрганиш юзасидан «Шарқ» агрокомбинати ер тузувчи катта муҳандиси Р. Юсупов бошлиқ 5 кишидан иборат комиссия аъзолари, шикоятчи гувоҳлигида жойига бориб воқеани атрофлича ўрганиб чиқдилар. Текшириш даврида А. Муроджоновнинг даъвоси асоссиз бўлиб чиқди. У шикоятни жаҳл устида ёзиб қўйганини тан олди. А. Исматовга нисбатан туҳмат гаплар айтгани учун кечирим сўради. А. Муроджонов даъво қилган ер жамоа хўжалигига қарашли эканлиги маълум бўлди. Тушунтириш ишларидан у қониқиш ҳосил қилди.

ГАЗЕТХОН ИСТАКЛАРИ

«Ишонч» ҳафтаномасида эълон қилинаётган «Касаба уюшмаси ҳаёти», «Аввал иқтисод», «Биздан сўрабсиз», «Адолат тарозиси», «Атторнинг қутиси» каби саҳифалар менга жуда ёқади. Уларда ҳозирги кунимиз муаммолари кўтарилмоқда. Менга ижодий жамоанинг қасамёди ҳам маъқул тушди, газетага бўлган ишончим янада ошди.

Севимли ҳафтаномамиз ҳамиша мустақил Ўзбекистонимизнинг шон-шарафини ҳимоя қилишда, социал адолат, қонунчилик, ҳамкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, инсоний ва маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги ишларда ишончли маслаҳатдош, таянч бўлсин. Газета ходимлари бу мавзуларда янада дадилроқ қалам тебратишсин!

Менимча, газетанинг бирор саҳифасини ёшлар ҳаётига, олий ёки ўрта махсус ўқув юртларидаги тадбиркорлик ишларини, режаларини ёритишга бағишласа яхши бўларди. Оилавий муаммолар хусусида ҳам бирорта рукн очиш керак. Қишлоқ ҳаётига кўпроқ ўрин берилса, айни муддао бўларди.

Абдурасул ДЎСТМУРОДОВ.
Тошкент шаҳри.

Биздан сўрабсиз

Саволларга ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Ҳулкар Файзуллаева жавоб беради.

Менинг ёшим 56-да. Меҳнат стажим 26 йил. Ҳозир пенсияга чиқсам бўладими?
Ш. Тожиев,
Самарқанд вилояти,
Ургут райони.

Қонунга асосан меҳнат пенсиясига чиқишда эркаклар 60 ёш қилиб белгиланган. Сиз ҳали бу ёшга етмагансиз, шунинг учун пенсия тайинлашнинг имконияти йўқ.

Ёшим 56 да, 8 та фарзанднинг онасиман. Икки йил бўлдики оғир касал бўлиб, ўрнимдан тураолмайман. Менга пенсия тайинланиши мумкинми?
М. Орифжонова,
Тошкент шаҳри.

Марзия опа, афсуски Сиз меҳнат стажингиз бор-йўқлигини ёзмабсиз. Агар Сиз иш стажига эга бўлсангиз, албатта кўп болали она сифатида қарилик пенсияси тайинланади.

Мабодо ишламаган бўлсангиз, ногиронлик тоифасини белгилаш учун сиз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг кўригидан ўтишингиз лозим. Комиссиянинг кўригидан ўтишдан аввал, яшаш жойингиздаги поликлиникадан Ф—88ни врачлардан тўлгаздириб комиссия кўригига йўлланма олишингиз керак.

Ногиронлик тоифаси белгиланса Сизга ижтимоий пенсия тайинланиши мумкин.

Уруш қатнашчисиман. 48 йиллик иш стажим бор, ҳозирги вақтда 125 сўм пенсия оламан. Олаётган пенсиям ошадими?
Б. Саъдиев,
Қўқон шаҳри.

Уруш қатнашчиси сифатида пенсиянгиз миқдори 1992 йил 1 январдан бошлаб 437 сўм 50 тийинни ташкил қилади. Асосий пенсия 350 сўм, уруш қатнашчиларига бериладиган қўшимча — 87 сўм 50 т.

Умумий иш стажим 23 йил. 15 йилдан бери санитария-эпидемиология станциясида дезинфекцион бўлим мудири бўлиб ишлайман. Зарарли иш учун қўшимча ҳақ оламан. 45 ёшда пенсияга чиқишга ҳақлиманми?
М. Худоёрова,
Сирдарё вилояти, Ховос райони.

Дезинфекторларга имтиёзли пенсия тайинланадими?
О. Мираҳмедов, Наманган вилояти,
Чуст райони.

Имтиёзли пенсиялар тайинлашда тасдиқланган 1-чи ва 2-рўйхатлар қўлланилади. Бу рўйхатларда зарарли бўлган ишлаб чиқаришлар, цехлар ва касблар қайд қилинган.

Зарарли ва заҳарли моддалар ишлаб чиқаришда банд бўлган айрим касблар ушбу рўйхатларда назарда тутилган, лекин шу моддаларни ишлатадиган шахслар, жумладан **дезинфекторлар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмасдирлар.**

Қайнонам 80 ёшдан ошган. Уларга қараб турсам менга пенсия бериладими?
А. Асқарова,
Хоразм вилояти,
Гурлан райони.

Сиз қайнонангизга қараб турган вақт меҳнат стажига қўшилади. Бундан ташқари 60 сўм қўшимча тўланади.

Қаҳрамон онаман, ёшим 52 да. Иш стажим етмайди. Пенсияга қачон чиқаман?
М. Бобожонова,
Хоразм вилояти.

Сиз стажингиз етарли бўлмаганлиги учун пенсияга 55 ёшда мурожаат қилишингиз мумкин, бунда бор стажингиз бўйича пенсия тайинланади.

Болаларимга вафот қилган отаси учун пенсия оламан. Эримнинг ўлими ишдаги бахтсиз ходиса оқибатида бўлганлиги учун корхона етқазилган зарар миқдорини тўлайди.
Пенсия миқдори ошадими?
Ш. Полвонова,
Хоразм вилояти.

Пенсиянинг миқдори ошади, ҳар бир болага тўланаётган миқдор 175 сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Маориф ходимларига кўп йиллик хизмат учун тайинланган пенсиялар ҳам ошадими?
Т. Олтинов,
Наманган вилояти.

Кўп йиллик хизмат учун ўқитувчи ва врачларга тайинланган пенсиялар ҳам ошиб. 350 сўмни ташкил қилади.

Менинг 1 гуруҳ ногирон укам бор. Уни қараб туриш билан банд бўлганим учун ишламайман. Ногиронларга қараб турганларга қандай ҳақ тўланади?
Яна бир савол. Ёлғиз она сифатида 10 ойлик қизим учун 80 сўм ва отасизлик учун 80 сўм нафақалар оламан, шу тўғрими?
Гулчеҳра Исмоилова,
Фарғона вилояти,
Охунбобоев райони.

Сиз учун қўшимча 60 сўм тўланиши керак. Бу қўшимча укангизнинг пенсияси билан бирга тўланади. Қўшимча тайинлаш учун социал таъминот бўлимига укангизга қараб турганлигингиз ҳақида яшаш жойингиздан маълумотнома олиб боришингиз керак.

Болангиз учун тўланаётган нафақа миқдорлари тўғри. Бундан ташқари яна болалар кийимига ҳар кварталда бир маротаба товон пули ҳам тўланади.

Боғдорчилик хусусидаги ушбу саволларга К. Шодиметов жавоб берди.

Касаба уюшмаси ва хўжалик раҳбарлари боғдорчилик ширкатларини обод қилиш борасида қандай ёрдам кўрсатмоқдалар?
С. Муродбеков.
Сурхондарё вилояти.

Касаба уюшмаси қўмитаси корхона, хўжалик раҳбарлари билан биргаликда боғдорчилик ширкатларини ободонлаштириш борасида тобора кўпроқ ёрдам кўрсатмоқдалар. Транспорт хизмати кўрсатиш, йўллар қуриш, сув таъминотини яхшилаш, электрлаштириш, боғдорларнинг ўғит, кўчат ва бошқа шу кабиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масалаларини режали равишда ҳал этмоқдалар. Ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш, боғ ерларини мелиорациялашда ёрдам кўрсатилмоқда. Эндиликда бу борадаги ишларни умум иш шартномаларига албатта киритмоқдалар. Кўпгина корхоналарда маъмурият ва касаба уюшмалари қўмиталари боғдорлар боғ уйлари қуриш ва ажратилган ерларни ободонлаштириш учун Давлат банкидан 3 минг сўмгача қарз олиши ҳақидаги масалани ҳал этдилар. Кейинги йилларда узоқ муддатлик қарзнинг умумий жамғармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича 4,6 миллион сўмни ташкил этди.

Боғдорчилик ширкати аъзолигидан чиқиб кетган (чиқариб юборилган) шахслар билан қандай ҳисоб-китоб қилинади?
А. Авазов,
Тошкент вилояти.

Боғдорчилик ширкати аъзолигидан чиқиб кетган (чиқариб юборилган) шахсга хўжалик иморатлари ва умумий фойдаланиладиган иншоотлар қуриш учун, сув билан таъминлаш, электрлаштириш, йўллар, кўприклар, оммавий боғ ҳудуди тўсиқлари қурилиши, ширкатнинг унга тегишли ер қисмини ўзлаштириш бўйича тадбирларини ўтказиш учун боғдорчилик ширкати кассасига тўланган бадаллар қайтарилади. Шунингдек, баҳолаш актига мувофиқ равишда унга ажратилган ер қисмида жойлашган ёзлик боғ уйи, бошқа иморатларнинг, мевали дарахт ва резаворларнинг шу ер қисмини ўзлаштиришга кетган бошқа харажатларнинг қиймати тўланади.

Аъзоликка кириш ва аъзолик бадаллари, ширкат ишчи ва хизматчиларига маош бериш, маданий тадбирлар учун тўланган бадаллар ҳамда жамоат хўжалик бинолари ва иморатларини қайта таъмирлаш учун тўланган бадаллар, сув, электр қуввати, автотранспортдан фойдаланганлик учун тўловлар мазкур шахсга қайтарилмайди.

Боғдорчилик ширкати аъзолигидан чиққан (чиқарилган) шахс билан унинг ўрнига ширкатга аъзо бўлиб кирган шахс ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар ширкат кассаси орқали амалга оширилади.

Хурматли газетхонлар! Бугун эътиборингизга «Ҳилол» деб номланган янги қўшсаҳифани ҳавола этаяпмиз. Унда сиз, бугунги ёшларимизни ўйлантираётган айрим муаммолар, улар ҳаётларида юз бераётган қизиқарли воқеалар, таклиф, истаклари билан танишасиз.

Ёшларимизнинг орзулари олам-жаҳон. Зеро, ёшлар ҳаётий муаммоларга, сиёсат ва иқтисодиётга, адабиёт ва маърифатга қизиқар эканлар, бундан хурсанд бўлиш керак. Демак, уларда лоқайдлик чекинаяпти. Орзулар ушалиш палласига кираяпти. Ёшлик осмонида жамолини намойиш этаётган Ҳилол тўлин ойга айланаяпти.

Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиётининг бир гуруҳ талабалари кучи билан таёрланган «Ҳилол» қўшсаҳифаси «Ишонч» газетасида республика ёшлари ҳаётини кенгроқ ёритиш сари қўйилган дадил қадамдир.

«Ҳилол»нинг бугунги сонида кўтарган муаммоларга жавоб излашга барча ёшларни таклиф этамиз. Сизларнинг хатларингиз беиз қолмайди. Улар «Ҳилол»нинг навбатдаги сонларида босиб чиқарилади. Сиз бу қўшсаҳифани ўз минбарим деб билинг. Қалбингизни тўлқинлантираётган, ўйлантираётган барча масалалар хусусида шу саҳифаларда бахслашишингиз, фикрлашишингиз, ўз нуқтаи назарингизни баён, этишингиз мумкин. Марҳамат, давра сизники!

«Ишонч» муҳарририяти



Эй, фарзанд, ёшликда ҳар канча ўқиб-ўрганмоқнинг савобига нима етсин. Ўқиб-ўрганишни ўзларига мақсад қилиб олган бу ёшларнинг ҳам ниятлари катта.

Навоий сиғинишга муҳтожми?

ЎТГАН йилнинг бошида А. Навоий расм туширилган календарь чиқди. Сурат автори Н. Ҳакимов экан. Суратга тузукроқ раҳм солсангиз, ҳайрон бўласиз. Тавба, на маъно бор, на мазмун...

Суратлари-ку қўйтурайлик. 1936 йилда Пушкин юбилейига роса тантана билан киришиб, Чимёнда бир гуруҳ ижодкорлар унинг асарларини маза қилиб таржима қилишувди. Хўш, улуғ рус шоирининг ҳурматини жойига қўйиб, асарларини таржима қилган эканмиз, ўзимизнинг Навоийни қачон таржима қиламиз? Навоийдек буюк мутафаккирни бошқа тилларга таржима қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўзимиз тушунишга мажбур бўлиб турибмиз. Ахволимиз шу даражада фақир-у, тагин у кишини учар ликопча ёхуд қор одамни реклама қилгандек тарғиб — ташвиқ қилаётганимизни қаранг. Агар Навоий шу кунларда тирилиб келганида биздек авлодларининг кулгули аҳволидан афсус-надоматлар чекиб, этагини силкиб кетган бўларди.

Ишбилармонликка, кўтар-кўтарларга, шов-шувларга берилиб кетган замондошларимга Навоийга бўлган муносабатда инсоф тилайман.

Роҳила ЮСУПОВА,
2-курс талабаси.

ТАЛАБАЛАР ФАЛСАФАСИ

Биз қанча кўп ўқисак, шунча кўп биламиз. Қанча кўп билсак, шунча кўп унутамиз. Қанча кўп унутсак, шунча оз биламиз. Қанча оз билсак, шунча оз унутамиз. Ва қанчалик оз унутсак, шунчалик кўп билган бўламиз. Шундай экан, нега унда боғ қотириб ўқиймиз?

●

Механик факультетида янги соат изиро қилинди. Биринчи ўн дақиқада у одатдагидек ишлаяпти, иккинчи ўн дақиқада фаол кемаси муҳаррики (двигателининг) синғари товуш чиқаради, шунда ҳам ўйғонилмаса, факультет декани овозида баҳирга кетади.

●

Бир талаба эрталаб домлага салом берди: «Хайрли тун, домла». Профессор бундай саломдан ҳайрон бўлиб сабабини сўрағанида у жавоб берди: «Домлажон, сизни кўрганим заҳотиёқ кўз ўнгим қоронғуланиб кетади».

●

Биринчи босқич талабаси Олим Той аллома Суқрот таълимотини янада ривожлантиришга эришди. Қадимги Юнон файласуфининг: «Мен ҳеч нарса билмаслигимни билдим» деган ҳикматини у: «Мен ҳеч нарса билмаслигимни ва билишни ҳам истамаслигимни билдим» тарзида мукаммаллаштирди.

Тўпловчи:
Зариф ХИКМАТОВ.

Мусофирга йўл қайда?

Талабалар шаҳарчаси... Бу мўъжаз шаҳарчада африкаликдан тортиб фалаштинликача, ҳаосликдан тортиб ньистанмликкача бор. Бизда қадимдан ота-боболаримиз мусофирларнинг ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўраб туришган. Доимо улар билан ҳамдам бўлиб, мусофирлик қийинчиликларини бирга кўтаришга ҳаракат қилганлар. Биз ҳам аждодларимиз анъаналарини ёдда тутиб бир неча ажнабий талабалар билан суҳбатда бўлдик. Ўзбекистоннинг ҳозирги долғали даврларида қандай хаёт кечираётганликлари билан қизиқдик.

Ғарбий африкалик Кристина ТошДД журналистика куллиётида таҳсил олади. Қизғин суҳбатимиз 85-ётоқхона ошхонасида кечди. Анчагина тортишувдан кейингина у бизни қизиқтираётган саволларга жавоб беришга рози бўлди.

— Биласизми, Кристина. Мен-ку Қашқадарёдан келиб ўйни қанчалик соғинаман. Лекин Мали қаерда-ю, Тошкент қаерда. Ўзбекистонга келиб ўқишни ўзингиз хоҳлаганмидингиз?

— Йўқ, ўқишни элчихонамиздагилар ҳал қилишади. Тақдир мени Тошкентга элтган экан-да. Уйимни жуда-жуда соғинаман. Айниқса онамни...

— Бизнинг ўзбекистонликлар билан ўз юртингиз талабалари орасидаги фарқни сезасизми?

Кристина бироз ўйланиб турди, сўнг очиғини айтди: Талабаларимиз орасидаги фарқ жуда катта. Талабаларингизда илқовлик бор. Дангасалик билан билим олиб бўлмайди-ку, ахир.

— Африкада франг тилидавлат тили сифатида тан олинар экан. Бизда ўзбек тили давлат тили эканлигидан хабарингиз борми?

Ўзбек тилини ўрганишга хеч уриниб кўрдингизми? Умуман, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбек тилини ўрганишнинг менга фойдали томони йўқ. Лекин, баъзида менга ёқадиган ўзбекча қўшиқлар эшитиб тураман.

— Кристина, марҳамат қилиб охирги саволимга жавоб берсангиз: Навоий бобомиз ҳақида нималар биласиз?

— ...Навоий — улуғ ўзбек ёзувчиси.

Шу пайт бир қиз чойнак кўтариб келиб қолди.

— Мен Афгонистонданман. Шафиқа Ҳайдарий. Журналистика куллиёти 4-курсида таҳсил оламан, — ўзини таништирди у.

Шафиқа билан суҳбатимиз анча жиддий бўлди.

— Шафиқахон, мустақил республикамизда ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Албатта, мустақил республикада нафақат мен, балки бутун халқ ўзини эркин ва бахтли ҳис қиляпти. Аввало, бу покиза сўзнинг маъносини чуқур тушуниб етиш керак. Демак, ҳудбинлик ва ўзбилармонликка йўл қўйиб бўлмайди. Демак, мустақиллик масъулиятини ҳис қиладиган юраклар уйғониши керак.

Ҳа, албатта. Халқ ўзлигини таниши керак. Бу албатта тил билан боғлиқ...

— Дарҳақиқат, тил — миллат фахри. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, биз ажнабийларга баъзида таъна қилишади, гўё аввал ўзбек тилини ўрганиб, кейин Ўзбекистонга келишимиз керак эмиш. Бизда айб йўқ-ку. Рус тили — умумжаҳон тили. Бизга эса 1-курсдан рус тили каторида ўзбек ва инглиз тилларини ўргатишса яхши бўларди. Тил билиш журналист учун нечоғли аҳамиятга эгалигини ўзингиз яхши биласиз. Мен бир тилни биласан бир одам, икки тилни билган иккита одам деб ҳисоблайман.

— Офарин Сизга! Етоқхоналарда ажнабий талабаларнинг яшаш шароити совет талабаларининг яшаш шароитидан анча яхши дейишади. Шу ғап тўғрими?

Шафиқа аввалига кулди, сўнгра жиддийлашиб, ҳатто бироз қизишиб гапира кетди:

— Шу вақтгача биз билан ҳеч ким қизиқмаган, ҳаттоки қандай яшаяпсан, демаган. Ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ. Майли, шахсий ҳаётнику қўя турайлик. Етоқхонамизнинг ўзида чироқ кўп марта ўчиб қолади. Иссиқ сув бўлганда, совуқ сув бўлмайди ёки аксинча. Етоқхонамиз ифлос...

— Қаранг, ҳар учинчи ажнабий талабанинг тагида машина бор. Бу энди бир мисол-да.

— Мен билмайман. Менинг машинам йўқ-ку.

— Биласизми, Шафиқа. Сизга ҳавасим келади. Ахир сиз улуғ Навоий бобомиз билан юртдошсиз-да.

— Ҳа, албатта. Мен — Ҳиротданман! Ўзбекистонда 1991 йил Навоий йили деб эълон қилинди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим.

— Буёғи энди бозор иқтисодиёти...

— Эҳ, бу бозор иқтисодиёти чайқовчилар ва қаллоблар учун олтин давр бўлди-да. Қаёққа қараманг этагингиз шуларга тегади. Қайси буюмни кўрманг, нархи осмонда.

— Талабалар бозорчасига тушиб турасизми?

— Деярли ҳар куни. Чунки, магазинларда озиқ-овқат махсулотлари кам. Бозорда қимматига бўлса-да харид қилишга мажбур бўламиз.

Биз чет эллик тенгдошларимиз билан суҳбатимизни шу мавзу билан якунладик.

Лола САОДАТОВА,
2-курс талабаси.

Бемор юрт

ЯКИНДАН бери хаёлимни бир нарса ўртайди...

Домла «Табиат фалсафий фикрлашнинг мавзуи сифатида» деган темада дарс ўтдилар. Бу дарс мени янада тушкунликка тушириб юборди. Хозирги экологик инкироз ҳақида гапириб инсониятни эртага қандай фожеа карши олишини айтиб бердилар. Айниқса, Орол бўйи ва Хоразм ҳудудидаги бугунги кунда пайдо бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотлар мени мутлако эзиб қўйди.

Тошкентнинг сувидан ичавериб шу сувга ўрганиб кетибман. Уйга борганимда буни дарров сезаман. У томонларнинг сувлари... Ўтган йил боғимиздаги катта олмаларнинг мўл хосил берадиган навбати эди. Ҳар йили бир тоннага якин ва ундан ҳам кўпроқ олма берадиган дарахтлар бу сафар бир-икки пақир хосил келди. Нима бўлаяпти ўзи? Акамнинг жажли чикиб, кишда хаммасини чопиб ташлаймиз, буларнинг савлатидан наф йўкка ўхшаб колди, деди. Ўйлаб коламан. Унда келаси йил нима еймиз? Қишлокдаги деҳкон бозорлари нархи ҳам хозир шаҳарникидан колишмайди. Эсимда, кишлоғимизда Амин бува экиб кетган гужумлар тўда эди. Ёз кунлари уларнинг калин соясида дам олиш рохат эди. Баланд-баланд гужумлар эжи йўк. Баъзилари ердан куриб битган, баъзилари хашоратнинг дастидан.

Албатта, шулар сабаб бўлса керак, биз томонларда хаво жудаям куруклашиб кетди. Нафас оламан десангиз олдин томоғингиз ҳўл бўлиши керак. Аксинча, бурнингиз ачишганидан нима килишингизни билмай коласиз. Билишимча, бизнинг вилоятда кишлок хўжалиги йилдан-йилга самарадорликни йўкотаяпти. Етиштирилаётган махсулотлар сифати ўта яроксиз. Озик-овкат, деҳкончилик неъматларини зўрга истеъмол киласиз. Молларни канча боксангиз ҳам махсулдорлиги ошмайди. Жониворлардаям мадор йўкдай.

Хар сафар таътилга кетишимиздан аввал бир-биримизни меҳмонга таклиф этамиз. Одам одамга азиз-да. Талабалик давримиз ўтади-кетади. Балки курсдошларимни кейин учратмасман. Дўстларимни меҳмонга таклиф этаману яна ўйлаб коламан. Уларга нимани кўрсатаман, кандай меҳмон киламан?

Хорезмнинг энди аввалги хусни йўк. Жайхуннинг пишкириб, ўйноклаб окаётганини кўзинг билан кўролмайсан. У энди махзун, суви дардчил. Ғўдаклар орасида касаллик кўпайган. Катталар эса ёшига етмай кариб колишаяпти.

Хива якинда 2500 ёшга тўлади. Нахотки шу тарихни энди фожеали бир нихоя ўз изимга олса. Ишонгинг келмайди хаммасига. Мен акл билан, бу худуд ахолиси соғ яшаяпти ёки эндиям соғ яшаб колади дея олмайман. Шуларни ўйлаб уй томонга кетишга ҳам баъзан оёғим тортмай колади. Лекин на илож. Кindик коним тўкилган жой. Бемор юртнинг холини мен сўрамасам, ким сўрайди, ахир!

Беруний СУЛТОНЗОДА,
2-курс толиби.

УМИДИМИЗ БОР

АСЛИДА бу мавзуни ёзиш учун қўлимга қалам олиш ниятим йўқ эди. Негаки, бу ҳақда матбуот жуда кўп бонг урди, бирок натижаси бўлмади. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек. 30 соат дарс колдирган талаба талабалар сафидан чикарилиши лозимлиги ҳакидаги карор вазирлик томонидан тўғри чикарилдими?

Тўғри, тахсил жараёнида мустаҳкам, пўлатдек каттик интизом, тартиб бўлиши шарт ва зарур. Бинобарин, бугунги оғир шароит ёшлардан кучли тафаккур ва зукколикни талаб киладн. Шу маънода биз вазирлик чикарган карорга тўлик кўшиламиз. Лекин дарсликлар, илмий кўлланмалар, ҳатто сиёсий-иктисодий тузимлар янгиланаётган бир пайтда амалиётдан йироқ бўлган, курук лекцияларни тинглаш ўрнига мустакил ўз устида ишлаш, кутубхоналарда, керак бўлса кунлаб колиб кетиш, илмий конференция, симпозиумларда иштирок этиш, ётоқхоналарда иқтисодий мавзуда суҳбатлар уюштириш ўзини окламасмикан?!

Биз ҳам илм, маърифат тарафдоримиз, лекин Мустакил республикамизнинг Мустакил талабасимиз. Биз ҳам ўз республикамизнинг ҳакикий жонкуяри, ёрдамчиси ва ҳамрохи бўлишни, жамиятни тубдан ислох килишга ўз ўкишимиз, юрак ва илмимиз кучи билан иштирок этишни жуда-жуда истаймиз! Лекин нима килайликки, деярли барча дарсликларимиз хом, иккиланиб ёзилган. Кўпчилик ўкитувчиларнинг педагогик укуви йўк. Оҳ, биз ўкишни, тажриба килишни, билим йиғишни қанчалар истаймиз, бирок бу истагимизга хайрихох ўкитувчилар жуда кам. Шундай экан, мавжуд социал шароитни хисобга олиб, «30 соатли режим ҳакидаги карор» балки кун тартибидан олиб кўйилар, деган умид кўзи билан одил ҳукматимизга бокамиз.

Бахриддин КЎШМОНОВ,
2-курс талабаси.

АГАР МЕН ДОМЛА БЎЛСАМ...

ДЕЙЛИК, хозир сессия вакти. Барча талабаларнинг кўнглида синов-имтиҳонларни топшириш ташвиши. Қанийди, шу топда домла бўлиб колсанг. Шахсан мен домла бўлиб колсам, синов-имтиҳонларда талабаларни кийнамасдим, уларни тушунар эдим. Ҳм, ҳар бир талаба ҳам шу фикрда бўлса керак-а?

Лола Убайдуллаева: — Агар мен домла бўлиб колсам, дарсларимни шундай ўтар эдимки, талабалар уларни орзикиб кутишарди.

Марьяш Қулжонова: — Мен домлага айлансам, энг аввало бағри кенг бўлар эдим. Талабаларнинг домласи эмас, балки дўсти бўлар эдим.

Гулзебо Абдиримова: — Мен домла бўлсам барча талабалар синов-имтиҳонларимдан кийналмасдан ўтишар эди. Чунки бу фоний дунёда одамни одам тушунмаси тош тушунсини? Арасту ўз дарсларини очик ҳавода ўтказар, дарс эмас, оддий суҳбатлашув йўли билан ўз фикрларини талабаларига тушунтирар экан. Ана шундай дарсни орзу киламан.

Эркин Шермонов: — Мен бўлсам, семиз талабаларни кўп кийнар эдим. Шу бахона билан Улар озиб олар эди-да.

Отабек Худойбердиев: — Талабани кўпрок тушунишга интилар эдим. Майли, агар дарсимда уйқуси келса, ухлаб олсин. Ўзим билан доим ёстик олиб юрардим. Ким керишса, узатиш учун.

Сохиба Абдурахмонова: — Имконият бўлса мен домла бўлиб ўтирмасдим. Тўғри декан бўлар эдим. Ҳамма талабаларга дарсларга эркин катнашиш ҳукукини берар эдим. Менинг давримда бир ўйнаб колишсин. Талабанинг хар бир кўнгил байрам бўлиб ўтишига кўмаклашардим.

КАМТАРОЙ.

БОЗОРДАН ҲАММА БЕЗОР

ТАЛАБАЛАР шаҳарчасида мўъжазгина бозорча бор. Ўша ерга бир марта кирган одамнинг ҳуши учиб кетиши ҳеч гап эмас. Талабаларга тўзим берсин, дейсиз. Ана шу «мўъжазгина вужуд» қандай қилиб шунча қимматчиликни кўтара олдийкин,— деб ҳайрон қоласан киши. У ердан ўтишнинг ўзи бир даҳшат. Дарров йўлингизни гул кўтарган аёллар, қизлари тўсиб олишади. Ўйламанг, сиз — бозорга кирганларни гуллар билан қарши олишар экан, деб. Дардлари — пулда уларнинг, нархи эса осмонда.

Аввалари талаба ёки солдат бозорга кириб қолса, «сен мусофир юртларда юрибсан, болам», деб нима бўлса ҳам арзонроқ беришарди. Энди бўлса...

Ўйлаб қоласан, бозорчадаги пулхўрларнинг нахотки ўқиётган ўғил-қизлари бўлмаса. Нахотки чекка-чекка қишлоқдан келган, ота-онасининг маоши, нафақаси билан кун кўраётган талабаларнинг аҳволини тушунишмаса. Ёки уларга ота-оналари жарақ-жарақ пулни чўнтакларига солиб юборади, деб ўйлашармикин. Тўғри, ундайлар ҳам йўқ эмас. Лекин ҳаммаларнинг ойласи бир хил эмас-ку...

Агар шаҳримиз бозорларини айланиб чиқсангиз бир нарсага амин бўласиз. Талабалар шаҳарчасида жойлашган бозорчадаги нарх-наво бошқаларига нисбатан катта фарқ қилади. Буни бозор маъмурияти ва бошқа жавобгар шахслар яхши билишса керак, албатта. Нега энди кўра-билса туриб бозорчадаги аҳволни ўзгартира олишмайди. Талабаларга мўлжалланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўконларида картошка, пиёз, мева ва бошқа маҳсулотлар ўз нархида ҳамиша бўлиб турса, бозордаги нарх албатта пасаярди. Бунинг иложи йўқмикан-а?

Азамат САФАРОВ, Баҳодир ОЧИЛОВ,
3-курс талабалари.

Комсомол ташкилоти Ёшлар Иттифоқи деб ўзгартирилганидан кейин бу Иттифоқ котиблари бевосита ёшлар билан ишлашни кучайтириш зарурлигини ҳис қилаётир. Фарғона вилояти Риштон райони Ёшлар Иттифоқи котиби Мажид Латипов ҳам Тошкент шаҳрида таълим олаётган ёшлар билан тез-тез суҳбатлашиб турадиган бўлди.

Суратда: (чапдан) тил ва адабиёт олийгоҳи толибаси Ғулшан Азизова, Мажид Латипов ва болалар шифокорлари олийгоҳи толибаси Шаҳноза Азимовалар.

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

АЗИЗ илм толиб ва толибалари!

Биз сиздан бу йил нима иш қилганингизни сўраймиз, жавобларингизни белгилаб боринг ва тўплаган баҳоингизга қараб келаси йилда сизни нималар кутаётганини башорат қиламиз. Демак, бошладик:

1. Бу йил неча марта дарс қолдирдингиз?
а. бирор марта ҳам — 0
б. ўн мартача — 2
в. юз марта атрофида — 3

2. Қарздор талаба ҳақида фикрингиз:
а. муҳокама қиламан — 0
б. ҳамдардлик билдираман — 2
в. менга барибир — 3

3. Жамоатчи «патриот» талаба сизнинг назарингизда:
а. ҳурмат қиламан — 0
б. «раҳмим» келади — 2
в. у — «бошсиз чавандоз» — 3

4. Дарсда:
а. маъруза тинглайман — 0
б. газета ўқийман — 2
в. туш кўраман — 3

5. Имтиҳонларга қачон тайёрланасиз?
а. бутун семестр давомида — 0
б. «шпаргалка» ёзаман — 2
в. бир кун қолганда — 3

6. Ётоҳхона сиз учун:
а. иккинчи уйим — 0
б. шанбаликлар жонимга тегди — 2
в. «жин урсин» — 3

ДИҚҚАТ! БИЗНИНГ БАШОРАТ:

АГАРДА тўплаган баҳоингиз 0 ноль бўлса — сиз ҳақиқий «патриотсиз», талабалик йилларингиз «рисола» дагидек бир маромда ўтажак. Ҳаттоки, шаробхона «пивбар» қаерларигини ёхуд «шайтонлар ўйини» дискотека нималигини билмай, талабаликнинг «олтин даврини бошдан кечиргайсиз.

0 дан 6 гача баҳо тўплаганлар бундан кейин ҳам шундай яшайверасиз. Сиз жуда бардошлисиз. Омад кутади сизни.

6 дан 12 гача — талабалар шифохонасига асло йўлингиз тушмагай, чунки юрак ва асабларингиз темирдан.

12 дан 18 гача — сиз озод кушсиз, газетамизни кузатиб боринг, келгуси сонлардан бирида «...учун талабалар сафидан ўчирилди» рукни остида босиладнган хабарни диққат билан ўқиб чиқишингизни маслаҳат берамиз.

ИШОНЧ

Адолат тарозиси

Афғонистон тупроғида бўлган бемақсад урушнинг яна бир асири она-юрт бағрига қайтди. Афғонистондан Ўзбекистонгача бўлган йўл фарғоналик Носиржон Рустамов каби тутқунликда яшаган йигитларимиз учун қанчалик узоқ ва машаққатли бўлганлигини ҳамма ҳам чуқур ҳис этавермайди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳорижий разведкага қарши ишлаш бошқармасининг Рустам Абдуллаев, Алишер Икромов, Сергей Суханов каби фидойи ходимлари буни ҳар кун, ҳар соат ҳис этиб турибдилар. Чунки улар асир тушган йигитларимизни излаб топиш ва она-Ватанга қайтариш ишлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Бошқарманинг тезкор вакили майор Сергей Суханов қарийб ўн йилдан бери шу иш билан машғул.

Муштипар она интиқлик билан кутган жигарбандини бағрига босган дақиқалардаёқ бутун чарчоғимиз чиқиб кетади,— дейди Сергей Петрович.— Бундай қувончли воқеаларнинг ўн уч марта гувоҳи бўлдим. Ёдингизда бўлса 1990 йилда самарқандлик Илёс Соатов, қаршилик Нурмамат Ходимуродов, жиззахлик Анатолий Тихонов, 1991 йилда сурхондарёлик Номоз Аллоёров, қорақалпоғистонлик Илҳом Эркаев каби йигитларимиз асирликдан озод этилиб ўз оилалари бағрига қайтдилар. Бу йил эса биринчи қалдирғоч — Носиржон Рустамов бўлди. Яна бошқа хонадонларда ҳам мана шундай тўйлар бўлишига ишончимиз комил.

— Асирликда юрган ўзбекистонлик йигитлар анчагинами?— сўраймиз ундан.

— Биз чет эл матбуотидан олинаётган маълумотларни мунтазам таҳлил этиб шундай хулосага келдикки, ҳали ўнлаб ўзбекистонлик йигитлар ватандан узоқда азоб чекмоқдалар. Уларнинг аксарияти собиқ Иттифоқда хусусан, мустақил Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлардан бехабардирлар. Чунки Тошкент овозини ҳамма ҳам эшита олмайди. Чунки радиотўлқинларини баланд тоғлар тўсиб турибди.

Улуғ Ватан уруши йилларида асирлар тақдири қандай бўлганлигини ёшлар ўз ота-оналаридан кўп марта эшитганлар, китобларда ўқиганлар. У пайтларда асирлар отилган, Сибирга сургун қилинган, хўрланган... Буни ҳамма билади. Афғонистондаги кўпгина туткинлар ҳам шундай тақдир пешонамизга ёзилмасин, деб қўрқиб олис бурчакларда мужоҳидлар хизматини қилиб юрибдилар.

Улар онгида ўзгариш ясаш мақсадида биз ўз ота-оналари, асирликдан қутилиб келган дўстлари кўли билан ёзилган хатларни, овозлари ёзиб олинган магнит тасмаларини, фото суратларини яширинча туткинларга етказаяпмиз. Бу мактубларда ҳаётимиздаги бор ҳақиқат баён этилмоқда. Ҳеч қандай таъқиб йўқлиги таъкидланмоқда. Шундан сўнг асирлар фикри ўзгариб қутилиш йўлларини излашга тушмоқдалар.

— Яқинда телевизорда «Қарвон» деб номланган ҳужжатли фильмни зўр ҳаяжон билан томоша қилдик. Қани энди шундай фильмларни асирлар ҳам кўришса...

— Ўша фильмни яратишда Республика Миллий хавфсизлик хизмати жамоатчилик билан алоқа маркази ходимлари катта ёрдам бердилар. Фильмда бизда сақланаётган кадрлардан кенг фойдаланилди. Фильмни яратишда бош маслаҳатчи бўлиб қатнашдим. Шу туркумдаги «Соғинч» фильмини биз ўтган йилнинг декабрида Афғонистонга жўнатдик. У дарий тилида тайёрланган бўлиб, собиқ асирларнинг ҳориждан қайтгандан кейинги бахтли ҳаёти тасвирланган. Фильм туткунликдаги фарзандларимизни она-юртга чорлайди.

Урду тилида тайёрланган «Сарбон» фильмини Покистонга жўнатишни мўлжаллаяпмиз. Унда Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти қандай бўлса шундайлигича тасвирланган. Фильмни кўрган ҳар бир киши бизда виждон эркинлигига кенг йўл берилаётганлигини кўради, инсон ҳуқуқлари, шу жумладан асирликдан қайтган йигитлар ҳуқуқлари қаттиқ ҳимоя этилаётганлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Қўшни мамлакатларда бу фильмларни намойиш этишдан мақсад битта, у ҳам бўлса асирликда юрган ватандошларимиздан дарак топишга бошқа хорижий давлатларни ҳам жалб этишдир. Зеро, инсонпарварлик йўлида кучларимиз қанчалик мустаҳкам бирлашса, мақсадга шунчалик тезроқ эришамиз.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг халқ депутати Вилор Раҳматуллаевич Ниёзматов бошлиқ қўмитаси ҳам бу ишдан четда турмаётгандир...

— Албатта, қўмита Россия парламенти билан биргаликда кўп хайрли ишлар қилаяпти. Яқинда Республика Олий Кенгашида тақдир тақозоси билан ҳорижда қолиб кетган кишиларни юртига қайтариш билан шуғулланувчи махсус комиссия ҳам иш бошлади. Бу комиссия учун Афғонистондаги йигитлар тақдири билан боғлиқ ҳар қандай кичик маълумот ҳам қимматлидир.

Сўнгги йилларда республикамиз фуқароларига чет элларга чиқиш учун яна ҳам кенг йўл очилди. Қанчаданқанча отахон-онахонлар ҳажга бориб келишди, тадбиркорлар тижорат ишлари билан Яқин Шарқнинг турли шаҳарларида бўлишаяпти, у томонлардан меҳмонлар келишаяпти.

Ўзаро учрашувлар, суҳбатлар давомида асирлар тўғрисида бирор гап қулоғига чалинган ҳамюртларимиз бу хабарни дарров комиссияга етказишлари зарур. Ажаб эмас, шу хабар баҳона бўлиб яна бир жигаргўшамиз озодликка чиқса. Ахир оламда инсонни тутқинликдан озод этишдан ҳам ортиқ савобли иш бўладими.

— Асирларни топиш, улар билан алоқа боғлаш, озодликка олиб чиқиш каби ишлар ҳар ҳолда каттагина маблағ билан боғлиқдир...

— Бўлмаса-чи, хат ёки ахборот етказувчи ва бошқа махсус ишончли вакилларимиз белгиланган манзилга юрак ҳовучлаб борадилар. Бир гап бўлгудек бўлса унинг хунини биз тўлаймиз. Чунки оркасида бола-чақаси қолади. Эндиликда тадбирларимизни молиялаш масаласи тобора танг аҳволга тушиб қолаяпти. Ҳомийлар излашга мажбур бўлаяпмиз. Балки банкда бирор ҳисоб варақаси ҳам очармиз. Ўйлайманки, йигитларимиз жонини сақлаб қолиш, уларни омон-эсон она-юртларига қайтариш учун талаб этиладиган маблағ ҳамиша топилади. Шу мақсадда телемарафонлар ўтказиш, таниқли санъаткорларнинг ҳайрия концертларини уюштириш мумкин.

Катта-кичик урушлар касофати билан туткунликка тушган кишилар фақат Афғонистонда эмас, балки Ироқ ва Эронда ҳам, Ангола ва Мозамбикда ҳам, Исроил ва Ливанда ҳам бор бўлса ажаб эмас. Улар тақдири билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам жиддий шуғулланиши керак, деб ҳисоблайман.

Суҳбатдош
Жасур Фозил ўғли

ҚАЕРДАСИЗ, ЎҒЛОНЛАР?

А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

МУҲТОЖЛИКДАН ҚИЙНАЛИБ...

Бир неча ойдирки, ота-онамникига келиб ўтирибман. Аслида турмуш ўртоғим ва ўғилчам билан Оҳангарон райони Оҳангарон кўчаси 24-уйда яшардим. II-гуруҳ ногирони бўлиб, ишга яроқсиз бўлиб қолдим. Кўзим хиралашиб, тобора аҳволим оғирлашиб бораётир. Турмуш ўртоғим руҳий касалликка чалинган. Уйимизда газ, сув, умуман яшаш учун шароит йўқ эди. Кўмир, ўтин топишга қийналдик. Болам тез-тез шамоллай бошлади.

Мен райондаги атроф-муҳитни кўкламлаштириш идорасининг ишчиси эдим. Юқоридаги важлар сабаб ноилож ишдан бўшадим. Турмуш ўртоғим Носир Одилов Оҳангарон саноат-темир йўл транспорти бошқармасида юк ташувчи бўлиб ўн саккиз йилдан бери меҳнат қилиб келади. Шу йиллар мобайнида у бирон маротаба идоралардан ёрдам сўрамаган. Бўлмаса бунга ҳақлари бор. Руҳий хасталикни Ленинграддан, Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаётганда, бошидан жароҳатланиб орттириб олган. Шунинг учун у кишига ҳарбий комиссариат томонидан имтиёзлар берилиши ҳақида кўрсатмалар бор. Мен шу кўрсатмаларни ва медицина хулосаларини олиб, ишхоналарига мурожаат қилдим. Бир гал борсам идорадагилар Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш учун ёрдам пули жўнатишаётган экан. У ерда ишлаётган ходимнинг аризамни олиб, қойий кетди:

— Ҳали унга пул бер, ҳали бунга ёрдам бер. Пулни қаердан оламиз? Эрингиз ҳеч қанақанги касал эмас, мана ишлаб юрибдику, бинойидек.

Арз-додим неча йиллардан бери шундай эътиборсиз қолиб келаяпти. Уйимиз бироз бўлсада эпақайга келтирилса, ҳеч бўлмаса турмуш ўртоғимнинг ўн саккиз йиллик меҳнати инобатга олинса, имтиёзларига яраша ёрдам кўрсатилса, яна ўша хонадонга бориб фарзандим билан яшаган бўлар эдим.

Лола
УБАЙДУЛЛАЕВА.

ОВОРАИ САРСОНМАН...

Фалакнинг гардиши билан мен камбағалга ҳам бахт кулиб боқиб, 1990 йил ноябрда 1982 йил чиқарилган 3 фоизли давлат заёмига 10.000 сўм ютуқ чиққан эди. Худога минг марта шукур деб, оила аъзоларимиз билан қувондик. Сўнг районимизга бориб жамғарма кассасига заёмни кўрсатиб, қоида бўйича истак билдириб квитанция билан ВАЗ-2109 «Жигули» машинасига буюртма ёздим. 1991 йил 11 апрелда эса «Жигули» машинаси берилмайдиган бўлди, деб собиқ СССР жамғарма банкидан жавоб келди. Ўша замон мен яна янги кўрсатмага асосан ВАЗ-2121 «Нива» машинасига буюртма бердим. Бу машина ҳам берилмайди, деб собиқ СССР жамғарма банкидан жавоб келди. Оҳири собиқ СССР жамғарма банкининг янги кўрсатмасига асосан ВАЗ-21063 «Жигули» машинасига буюртма бердим, ҳайрият, банкдан машина олиш учун № 05581 номерли маълумотнома келди. Ана шундан кейин югур-югур бошланди. Ўзбекистон савдо вазирлигига 3 марта, Ўзбекистон жамғарма банкига, Жиззах вилояти банкига 2 марта учрадим. Хуллас, бормаган жойим қолмади. Лекин натижа йўқ.

Ўзим 10 фарзандни тарбиялаб ўстирдим, 38 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. Аммо ҳаётимда бунчалик сарсону-саргардон бўлмаган эдим. Кейин билсам менга ўхшаган саргардонлар бу ўлкада саноқсиз экан. Аҳир, қачонгача ўртадаги лоқайд раҳбарлар деб азият чекаверамиз!!

Беркин ЭРГАШЕВ
Фориш райони, Ўхум қишлоғи.

Шарқ табобати

Ўрта Осиё халқлари асрлар давомида жуда бой, ранг-баранг, ўзига хос илм-маърифат ва маданият яратдилар. Улар Юнон, Ҳиндистон, Тибет, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатлар табобат фани ютуқларидан яхши хабардор эдилар. Бироқ, Ўрта Осиё халқларининг энг қадим замонлардан XX асргача бўлган даври фавқулодда кам ўрганилган. Кўп ҳакимларнинг номлари ҳанузгача номаълум ёки уларни жуда кам биламиз. Бундай аҳвол уларнинг асарлари асосан араб ва форс тилларида ёзилганлиги билан изоҳланади. Уларни ўқиб-ўрганиш анча мушкул.

Тошкент 1-сонли тиббиёт олий билимгоҳи асосий кутубхонасининг адабиётларда зикр этилмаган ва 55 йил муқаддам тузилган мажмуаси бор. Мажмуада форс, араб, турк тилларида, эски ўзбек ва татар, урду тилларида 100 дан ортиқ қўлёзма асарлари ва тошбосма нашрлари жамланган. Асарларни тўплашда 1936 ва 1937 йилларда институт директори бўлган Эдуард Юрьевич Шурпе ташаббускор бўлган эди. Профессор А. А. Аскаров ҳам бу ишда фаол иштирок этганди. Ноёб бойликларни кўз қорачиғидек авайлаб асраш, сақлашда А. В. Коршуннинг хизматлари катта бўлди.

Мажмуа жуда катта аҳамиятга эга. Мажмуада XVI асрда яшаган машҳур араб шифокори Шайх Довуд Антақийнинг «Тазкират улил ал-бобвал жоми пил ажаб ул ужаб» («Олимнинг хотира китоби ва қизиқарли нарсалар тўплами») китобининг қўлёзма нусхаси ҳам бор. Бу асар яратилганига 300 йилга яқинлашиб қолди. Қўлёзма саҳифаларидан бирига унинг эгаси шундай деб ёзиб қўйган: «Бул китоб 1132 йил ҳижрийда (яъни 1719—20 йиллар) Муҳаммад исмли кишидан сотиб олинди. Агар бу китоб бутун бир олтинга сотилганда ҳам сотувчи алданган бўлади».

307 варакли форс тилидаги яна бир қўлёзма ҳам ноёбдир. У «Тиб мажму бахрайн» («Икки денгизни туташтирган табобат») деб аталади. Унинг муаллифи XVI асрда яшаган шифокор Нуроллоҳ Ала ал Ҳакимдир. У асарнинг биринчи қисмида даволаш борасида оқилона маслаҳатлар беради, иккинчи қисмида эса, «муолажанинг» диний, табибларга хос усуллари: дуогўйлик, киннакашлик, қайтариқ ва шу кабиларни баён қилади. Муаллиф китобнинг иккинчи қисмида келтирилган усуллардан асосан камбағаллар фойдалана олади, деб таъкидлаши қизиқдир.

Мажмуадаги асарлар дастлаб ёзилган ёки кейинчалик кўчирилган вакти билан фарқланади. Энг кўҳна асар — форс тилида ёзилган «Китоб мин хавас ал-ашия» («Нарсаларнинг хусусиятлари ва фазилатлари ҳақида китоб») муолажа китоби унинг муқаддимасида айтилганидек, эрамизнинг 531—579 йилларида подшоҳ Ануширавон учун битилган. Қўлёзма қачон яратилганлигини аниқлаб бўлмаяпти, лекин у, Султон Махмудхон (1388—1402 йиллар) кутубхонасига тегишли эканлиги матндан кўриниб турибди.

Мажмуада Ўрта Осиё табибу шифокорлари Ибн Сино, Махмуд Чағминий, Фахриддин бин Умар ар Розий, Нафис бин Аваз ал Кирмоний ва бошқаларнинг асарлари билан ҳам танишиш мумкин. Шарқ мамлакатлари олимлари ўз асарларида у ёки бу фикрни исботлаш учун Ўрта Осиёнинг ана шу намояндалари асарларига қайта-қайта мурожаат этганлар. Чунончи, XVIII асрда яшаган таниқли ҳинд олими Ҳаким Муҳаммад Аъзамхон ўзининг форс тилидаги «Искири Аъзам» («Оби ҳаёт») деб аталган 4-жилдли табобат комусида Ибн Сино, Беруний, Чағминий, Журжоний, Самарқандий ва Ўрта Осиёдаги бошқа олим ҳамда ҳакимларнинг асарларига неча бор мурожаат қилган. Бир қанча ҳолларда бошқа мамлакатлар ҳакимлари Ўрта Осиё олимларининг табобат бобидаги асарларига тавсифлар ёзишган, кўчирмалар қилишган, уларни қисқартириб қайта ишлашган ёки бутунлай кўчириб олаверишган.

Араб ва форс тилида яратилган баъзи табобат асарларини қунт билан синчиклаб ўрганиш ва қиёслаш Ўрта Осиё олимларига хос хусусият бўлган. Чунончи, Аврангзеб ҳукмронлик қилган даврда яшаган ҳинд ҳакими Муҳаммад Акбар Арзонийнинг «Тиб Акбарий» («Акбарий тиббиёти») китоби шу жумлага киради. Бу асар «Шарҳ асбоб вал аломат» («Сабаблар ва белгилар») асарига шарҳ китобининг форс тилидаги нусхаси бўлиб, унга Улуғбек саройида ҳакимнинг қилган Нафис бин Аваз Ҳаким ат-табиб Кирмонийнинг Самарқандлик машҳур олим ва шифокор Нажибуддин Самарқандийнинг «Асбоб вал аломат» («Сабаблар ва белгилар») асари асос бўлган. Хоразмлик олим Маҳмуд Чағминийнинг «Қонунча» асари ўша муаллифнинг «Муфаррих ул-қулуб» («Қалбларни қувонтирувчи») деган бошқа бир асарига асос бўлган. Хуллас, Ўрта Осиё олимларининг асарлари бошқа мамлакатларда ўзига хос сайру саёҳат қилиб, қайта ишланиб, уларга бошқа ном берилгач, ўзлари дастлаб яратилган ерга — Ўрта Осиёга қайтиб келганини кўрамиз.

Мажмуадаги бошқа манбаларда кўп касалликларнинг келиб чиқиши, белгилари, уларни аниқлаш, даволаш, олдиндан тахминлаш борасида замонавий билимларнинг ривожланиш тарихини ўрганаётганлар учун қизиқарли маълумотлар берилган.

МАЖМУА ТАВСИФИ

Шарқнинг кўп шифокорлари сингари Ўрта Осиё ҳакимлари ҳам тозалик санитария қоидаларини тўғри бажариш касалликнинг олдини олишнинг энг асосий тадбирларидан бири деб билишар ва унга зўр эътибор қилишарди. Мажмуада овқатланиш тартибига бағишланган қадимий китоб бор. У «Манафи ал-ағзия ва даф мазариха» («Таомнинг фойдаси ва унинг зарарини йўқотиш») деб аталади. Китоб муаллифи Абу Бакр Муҳаммад Закария ар Розийдир.

Шарқ шифокор олимларининг, шу жумладан, Ўрта Осиё шифокор олимларининг доришуносликка оид асарлари Европа табобатига узоқ муддат катта таъсир кўрсатиб келган. Тавсиф этилаётган мажмуада шу фанга бағишланган асарлар анчагина. Уларда оддий ва мураккаб дори-дармонларнинг шифобахш хусусиятлари батафсил таърифланади, тайёрлаш усуллари, сақлаш қоидалари, ким қанча истеъмол қилиши мумкинлиги (ўлчови), қўшимча ва зарарли таъсири, қўлланиш усуллари ва ҳоказолар кўрсатиб берилган. Муаллифлар Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Қадимий Юнонистон, Византия, Миср ва бошқа мамлакатлар халқлари тажрибаларига асосланиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда минералларга мансуб ниҳоятда мўл дори-дармонларнинг шифобахш хусусиятларини очиб берганлар.

Ш. КАРИМОВ,
Тиббиёт фанлари доктори.
А. УСМОНХЎЖАЕВ,
Тиббиёт фанлари номзоди.

ТАҲРИРИЯТДАН. Яқинда ушбу мажмуа Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Фармойишига биноан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейига топшириладиган бўлди. Демак, энди республикамиздаги барча шифокорлар, тиббиёт илмгоҳлари ходимлари ва талабалари табобат илмининг бу бебаҳо хазиналаридан баҳраманд бўладилар.

— Ҳаётимизнинг мазмуни инсонларга нур улашишдир,— дейишади Шаҳрисабздаги 2-кўз касалликлари шифокорлари, Зайниддин Омонов, Меҳрож Омонов, Шаходат Холмўминова ва Феруза Мавлоновалар.

Суратчи. Жўра БОБОРАҲМАТ.

ШИФОКОРЛАР, ТИЛ ЎРГАНИНГ

(Давоми. Бошн газетанинг 5-сонида)

РАЗГОВОР ОБ ИСТОРИИ НАСТОЯЩЕГО ЗАБОЛЕВАНИЯ	ҲОЗИР ЧАЛИНГАН КАСАЛЛИК БАЁНИГА ОИД СЎЗЛАШУВ
Вас сейчас беспокоит...!	Ҳозир сизни...
головная боль	— бош оғриғи
головокружение	— бош айланиши
жажда	— ташналик (чанқоқлик)
изжога	— жиғилдон (меъда) қайнаши
кашель	— йўтал
невозможность двигать рукой (ногой)	— қўл-оёқни қимирлатолмаслик
отдышка	— нафас қисиш, ҳарсиллаш
озноб	— титраш, қалтираш, бадан увишиши
тошнота	— кўнгил айниши, беҳузурлик
чувство жара	— ҳароратнинг баландлиги
боль	— оғриқ
Покажите, где болит	безовта қилаяптими! — Кўрсатингчи, қаерингиз оғрияпти
Когда вы заболели!	— Касаллик қачондан бошланди!
Сколько прошло...!	Қанча
часов	— соат
дней	— кун
недель	— ҳафта ўтди!
Вы измеряли температуру...!	Ҳароратингизни...
утром	— эрталаб
вечером	— кечқурун
вчера	— кеча
перед приходом ко мне	— бу ерга келишдан олдин ўлчадингизми!
Какая была температура!	— Ҳароратингиз қанча эди!
Сколько дней была высокая температура!	— Ҳароратингиз неча кун юқори бўлди!
С чего началось заболевание!	— Касаллик нимадан бошланди!
Было ли трудно...!	
дышать	— нафас олишда
глотать	— ютишда қийинчилик туғилдими!
Был (—а) (—о) (—и)...!	
боли в сердце	— юрагингиз санчганини
головная боль	— бош оғриганини
общее недомогание	— умумий ҳолсизликни
озноб	— титраш, қалтираш, эт увишишни
мелькание мушек перед глазами	— кўз олдингизда заррачалар жимирлашини сездингизми!
Сознание теряли!	— Ҳушингизни йўқотдингизми!
Была рвота!	— Қусдингизми!
Рвота была...!	— Қусганингизда...
пищей	— овқат
желчью	— сафро
кровью	— қон
кофейной гущей	— кофе қуйқимига ўхшаш
калом	— нажас аралаш нарсалар тушдими!
Сколько раз была рвота!	— Неча марта қусдингиз!
Были боли в животе!	— Қоринда оғриқ сездингизми!
Накануне заболевания ели ... пищу!	— Касал бўлиш олдидан...
несвежую	— эскирган
консервированную	— консерваланган
острую	— аччиқ
жаренную	— қовурилган овқат еган эдингизми!
Употребляли алкоголь!	— Алкоголли ичимликлар ичганмидингиз!
С начала заболевания боли...!	— Касаллик бошлангандан бери оғриқ...
усилились	— кўпайдими
уменьшились	— камайдими
Боли усиливаются	— Оғриқ...
утром	— эрталаб
днём	— кундузи
вечером	— кечқурун
ночью	— кечаси
при движении	— ҳаракат қилганда
при дыхании	— нафас олганда
до еды	— овқатланишгача
после еды	— овқатланиб бўлгандан кейин
сразу после еды	— овқатланиб бўлган заҳоти
через 30 минут	— ярим соатлардан кейин
через 2 часа	— 2 соатлардан кейин кучаядими!
Боли стихают...!	— Оғриқ...
в покое	— тинч ҳолатда
в положении на боку	— ёнбошлаб ётганда
на животе	— ерга қараб ётганда
на спине	— тепага қараб ётганда
с согнутыми ногами	— оёқларни букканда
при ходьбе	— юрганда пасаядими!
Вы пробовали сами уменьшить боль!	— Оғриқни колдиришга ўзингиз уриниб кўрдингизми!
Что помогает уменьшить боли...!	— Оғриқни қолдиришга...

(Давоми бор)

МЕҲР ЁШЛИКДАН УЙҒОНСИН

— Ташкилотимиз 1990 йил Бекобод районлараро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекциясидан ажралиб чиққан эди. Қўлимиздан келганча табиатни тоза сақлаш ҳаракатига тушганмиз. Асосан ҳаво, сув, ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш— бўйича иш олиб бораяпмиз,— дея суҳбатни бошлади Бўка район Табиатни муҳофаза этиш давлат назорати бошлиғи Сувратулло Абдумаликов.

— ҚЎМИТАНГИЗ жарима солиш ҳуқуқига ҳам эгами?

— Албатта. Лекин фақат жарима солиш билан иш битиб кетавермайдида. Шундай ташкилотлар борки, улар учун жарима пули тўлаш ҳеч гап эмас, яна билганларидан қолишмайди. Масалан, район марказий шифохонасини олайлик. Ўтган йилги текширишларда касалхонанинг ўзида ишлатиладиган сув таркибида азотли бирикмалар миқдори меёридан 45 марта, нитрат 93 марта ортиқ, кислород даражасидан кам эканлиги аниқланган. Очиқ сув ҳавзаларини ифлослантириш бўйича ҳам касалхона бошқаларга «ибрат» бўлаяпти. Сентябрь ойида текшириш ўтказилиб, 8155 сўм жарима солинган эди, аммо ҳалигача тўлаганлари йўқ. Бизнинг ишимизга биринчи галда қайишадиган ташкилотлардан бирида аҳвол шундай бўлганидан кейин қолганлари ҳақида нима ҳам деймиз.

— Заҳарланган сув ва ҳавони аниқлаш учун махсус асбоблар борми?

— Ҳозирча йўқ, аммо яқин кунларда бизга ҳам вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан сиз айтган махсус асбоблар ажратилади. Ана унда ишимиз анча енгил кўчади, негаки бизнинг ишда тезкорлик жуда муҳим.

— Шу ўринда бир қўшимча қилсам,— суҳбатга қўшилди гуруҳ аъзоларидан Илҳом Азимов.— Ғоратгарларга қарши курашиш қийин кечмоқда. Чунки ташкилотимиз ўзининг машинасига эга эмас. Кўз билан кўриб, қўл билан тутмасдан қандай жарима солиш, жазо бериш мумкин.

— Сиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш бўйича иш олиб борар экансиз, айтинг-чи, шаҳардаги «Комсомол» боғининг ҳозирги аҳволи ҳақида нима дея оласиз?

— Боғнинг ташкил топганига ўн йилдан ошди. Лекин ҳанузгача унинг кайси ташкилотга қарашли эканлиги ноаник. Боғнинг бошлиғидан бошқа куйинадиган кишиси ҳам, маблағи ҳам йўқ. Яна бир гап — боғ асосан чинор дарахтларидан иборат. Олимларнинг ҳисоблашича, чинор одам организми учун зарарли дарахт экан. Демак ишни сусайтирмай, кесилган дарахтларнинг ўрнига бошқа манзарали ёки мевали дарахтларни экишни бошлаш керак. Масалани раҳбарлар олдига кўтариб чиқсанг, маблағ йўқ, дейишади.

Ота-боболаримиз қадимдан «боғ ярат, хосияти кўп», деган нақлга амал қилиб келганлар. Юрт катталарининг ўзи боғу роғлар барпо қилишга бошқош бўлганлар. Мана бугунга келиб бизнинг авлод «палончининг жуда катта боғи бор экан», деса ҳайратланадиган даражага келиб қолди. Ростда, бутун бошли шаҳарда ҳатто тузукроқ боғ-роғ бўлмаса.

— Бизнинг жамиятда кўп нарсани «юқори»дан келган буйруқ ва қарорлар ҳал қилади, уларга кўр-кўрона бўйсуниш туфайли бор нарса ҳам йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ичкилик-бозликка қарши кураш бошланганида шундай бўлган эди, салласини олиб кел деса, калласини узиб бердик, дурустгина ҳосил бериб турган токзорларни йўқ қилдик. 1989—90 йилларда «Гулистон» давлат хўжалиғида уқувсизлик ва қаровсизлик натижасида 252 гектар токзор, 104 гектар мевали боғ қуриб, ўтинга айланди. Узумдан наҳотки винодан бўлак нарсалар тайёрлашнинг иложи бўлмаса. Битта дарахт вояга етиб ҳосилга киргунга қадар неча йиллар керак бўлади, кимлардир эса тайёр боғларни қуритиб ўтиришибди.

Илгарилари йўл четларига мевали дарахтлар экилган, йўловчилар унинг соясида дам олса, мевасидан тотиб, чанқоғини бостирган...

— Менимча у вақтнинг одамларида инсоф бўлган. Ҳозиргилар ҳали илдиз отиб улгурмаган ниҳолни молларига едиришади, лоқайдлик шу даражадаки бунга биров парво ҳам қилмайди.

— Илҳомнинг қизишганича бор,— дейди Сувратулло ака суҳбатни давом эттириб,— Шундай ҳолатларга қарши курашиш учун район газетасида «Табиат ва инсон» саҳифасини ташкил қилганмиз. Мақсад одамларимизни табиатга бўлган бефарқлик уйқусидан уйғотиш.

Одамлар фақат ейиш ва кийиниш ташвишида яшаётган замонда уларни



«бефарқлик уйқусидан уйғотиш» нақадар қийин бўлса керак. Қимёвий дориларни иложи борича ишлатмаслик ҳақида неча маротабалаб гапирилмасин, ҳалигача жамоа раҳбарлари бу борада қатъий қадам ташламаётирлар. Бўка районининг «Партия XIX съезди» ва Ильич номли жамоа хўжаликларидагина кимёвий дорилар сақланадиган махсус омборлар бор, холос. Қолган жамоаларда заҳарли химикатлар ёғин-сочин остида қолиб ернинг томир-томирига сингиб кетаяпти. Бундан ҳаммамиз заҳарланаяпмиз.

Бўка район Табиатни муҳофаза этиш давлат назорати гуруҳининг ҳуқуқи ошиб, чинакам мустақил иш олиб бориш даражасига кўтарилишини истардим,— дейди Илҳом. Шундай вақтлар келсаки, атроф-муҳитга зарар келтириши мумкин бўлган муассасаларни ёпиб ташлай олсак, агарда энди қурилаётган бўлса, тўхтатиб қўя қолсак. Шунда келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўларди.

Бугун ишни келажак эгаларининг ўзидан бошлаш керак, зеро ниҳолни қай томонга бурсанг шу томонга қараб ўсади. Иккинчи синфдан бошлаб «Табиатшунослик» фани ўтилади, шу дарслик орқали болалар табиат билан чуқурроқ таниша борадилар. Шу ёшдан улар табиатни муҳофаза қилишга ўрганишлари керак. Токи табиатга бўлган меҳр қон-қонларига сингиб кетсин. Улар улғайгач ўз фарзандларига ҳам мана шу меҳр ҳиссини юқтира билишсин. Энг муҳими, Она табиатга содиқ бўлиб, унинг бир бўлаги эканликларини унутишмасин...

Суҳбатдош:
Мавлуда АНОРБОЙ қизи.
Тошкент вилояти,

Бир қарашда, Орол денгизи муаммоси юзасидан билдирилмаган бирорта ҳам илмий тавсия қолмаганга ўхшайди. Кейинги уч йилнинг ўзида Оролни қутқариш масалалари билан шуғулланувчи иккита қўмита тузилди 100 дан зиёд хилма-хил анжуманлар ва йиғилишлар ўтказилди, чунончи, халқаро даражада бир нечта мажлислар бўлиб ўтди. Лекин муаммо, аслини олганда, муаммолигича қолмоқда.

ОРОЛ ДЕНГИЗИГА ЁРДАМ БЕРИШ МУМКИНМИ?

БИЗНИНГЧА, бунинг сабаби муаммони ҳал этишда ягона раҳбарликнинг йўқлиги ва ҳозирча Орол муаммосини ҳал этишда ёрдам бериши мумкин бўлган барча илмий, техникавий, иқтисодий ва бошқа имкониятларни бир қўлда жамлаб бўлмаётганлигидадир.

Биз ишлаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жуғрофия бўлими ҳузуридаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» тажрибахонаси ҳам мана бир неча йилдирки, ана шу муаммо устида шуғулланяпти, ушбу мақола муаллифи 1990 йил июнь ойида Орол муаммоси юзасидан АҚШнинг Бумингтон шаҳри дорилфунунида ўтказилган халқаро анжуманда иштирок этган. Ўшанда у ерда кейинги йиллар ичида биринчи марта Совет ва Америка олимларининг, ёзувчиларининг, лойиҳачилари ҳамда миробларининг фикрларини жамлашга муваффақ бўлинди. Бу анжуман якунлари мутахассисларга маълум, бу маълумотлар матбуотда эълон қилинган.

Бошқа томондан олганда, бундай мақолалар эълон қилинганлигига қарамай, бизнинг тажрибахонамиз Орол муаммоси юзасидан таклиф қилган баъзи илмий мулоҳазалар айтилмай қолди.

Чунончи, фақат Орол денгизи ҳавзасидаги сув ҳавзаси ёрдамида унинг сатҳини аввалги (1960 йилдаги) даражага қайтариб бўлмаслиги равшан. Бу вазифани ҳал қилиш учун ташқаридан сув келтириш, масалан, Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Оролга буриш лозим. Шундай имконият борлигини кўпчилик «унутиб» қўйганга ўхшайди. Четдан сув келтиришнинг илмий асосланган усули ишлаб чиқилса, шу сувнинг бир қисмини Оролни тиклашга сарфлаш мумкин бўлар эди. Аммо бу усулни иқтисодий ва айниқса экологик нуқтаи назардан синчиклаб ўрганиш керак. Зеро, «аҳволинг ёмон бўлса, қўшнингнинг ҳам аҳволини оғирлаштирадиган иш қилма», деган гапга амал қилиб яшаш керак.

Орол муаммосининг энг муҳим томонларидан бири шуки, Орол денгизини шунчаки сув ҳавзаси сифатида тўлдириш ёки сақлаб қолишгина эмас, шу билан бирга Оролбўйидаги яшаш шароитларини яхшилаш ҳам зарур.

Ўтказилган тиббий кўрикларнинг натижаларига қараганда, Оролбўйи одамларида 1960 йиллардан бошлаб ўт пуфакда тош пайдо бўлиши, сурункали ошқозон яллиғланиши, буйрак касалликларига чалиниш, қизилўнгач саратони касаллиги билан оғриш каби ҳоллар кўпайди. Мавжуд маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонда кейинги ўн йил ичида умуман аҳоли орасида ўлим 1,5 баравар, юрак-қон томир касалликларига чалиниш 1,6 баравар, ўт пуфагида тош пайдо бўлиши 5 баравар, қизилўнгач саратони 7—10 баравар кўпайди. Орол бўйида болалар ўлими даражаси жуда юқори: туғилаётган ҳар минг боладан 40—45 нафари ҳаётдан кўз юмяпти.

Оролбўйи аҳолисининг саломатлиги ёмонлашишига фақат Орол денгизининг қуриши эмас, шу билан бирга Амударёдаги ичимлик сувининг сифати ёмонлиги ҳам сабаб бўляпти.

Амударёнинг бошидан охиригача айланиб чиқсак, ўзининг шўр ва заҳарли сувини шу дарёга қўшиб юборадиган сунъий ўзанларнинг фақат йирикларининг ўзи ўнлаб учрайди. Чунончи, бундай оқавалар дарёга ҳавзанинг юқори қисмидаги Вахш, Панж, Сурхон-Шеробод воҳаларидан қуйила бошлайди. Токи шу оқавалар мавжуд экан, Қорақалпоғистонда сувни яхшилаш ҳақида қанча гапирилмасин, у заҳарлилигича қолаверади. Шу туфайли биз Амударё билан Сирдарёнинг «экологик паспорт»ларини вужудга келтириш мақсадида бу ҳавзаларнинг суғориладиган ҳар бир воҳасида тадқиқотлар ўтказишни аллақачонлар таклиф қилган эдик. Мазкур паспортларда фақат суғоришга ишлатиладиган ва сизот сувларининг ҳажми тўғрисидаги маълумотлар эмас, шу билан бирга хўжаликларда қанча минерал ўғит, заҳарли кимёвий модда қўлланилаётганлиги, воҳалар тупроғидаги ва эҳтимол етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги заҳарли унсурлар таркиби, шунингдек, хўжаликларда ва хўжаликлараро тармоқларда сувни тозалаш жараёнида бўладиган йўқотишлар, яъни Орол маҳрум бўладиган сув тўғрисида маълумотлар ҳам қайд этилиши керак.

Ноанъанавий қувват манбаларидан, хусусан шамол кучидан фойдаланишни жорий этиш ҳам Орол муаммосини ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин. Шамол ва қуёш генераторларини жорий этиш ҳамда қуришга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Шундай иншоотларни Оролбўйида ҳам кўплаб қуриш ва улардан фойдаланиш зарур. Иқлим билдиргичларида берилган маълумотларга қараганда, бу ерда деярли йил давомида шимоли-шарқий йўналишда тинимсиз кучли шамол эсиб туради. Бу шамол кучидан минтақа халқ хўжалигида чучуклаштиргичлар, тозалаш иншоотлари қуриб, шунингдек, ишлаб чиқаришда ва маиший шароитларда фойдаланиш мумкин бўлади.

Қорақалпоғистонда қуёш энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш лозим. Ўзбекистон республикаси Фанлар Академиясининг «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бу йўналишда ҳозирнинг ўзидаёқ муайян ишлар қилиняпти. Бу бирлашма ходимлари қуёш нури қуввати билан ишлайдиган «СОУ—1000» сув чучуклаштиргичини ишлаб чиқдилар. Бу қурилма муаллифларининг ҳисоб-китобларига қараганда, сув ташувчи машиналарда келтирилган ҳар бир куб метр сув 8,3 сўмга тушса, «СОУ—1000» дан фойдаланилганда бу харажатлар 2,5 сўмни ташкил этади. Шундай экан, айни шу йўналишда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди денгизнинг ўзини сақлаб қолиш хусусида тўхталсак: Биз коллектор-дренаж сувларининг бир қисми денгизга оқизилиши Оролни сақлаб қолиш муаммосини ҳал қилиш йўлларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Аммо, бу оқавалар заҳарли кимёвий моддалар ва ўғитларнинг қолдиқларидан тозаланган бўлиши керак. Бизнингча бу тадбирнинг ижобийлиги шундаки, коллектор-дренаж сувларининг муайян қисми оқизиб юборилиши Орол суви сатҳини муайян даражада ушлаб туриш имконини берибгина қолмай, шу билан бирга Орол бўйи иқлим шароитлари юмшашига таъсир қилади. Ҳисоб-китобларимизга кўра, фақат Жанубий Оролбўйидаги суғориладиган зоналарнинг ўзидан (Дарёлик, Қўнғирот коллекторлари, 1, 3 4-коллектор тармоқлари орқали) денгизга ҳар йили ўртача 5,5 куб километр сув оқиб тушади. Тозалаш чоғида йўқотиладиган сувни чегириб ташлаганда, бизнинг мўлжалимизча, Орол денгизига ҳар йили 3,8 куб километр коллектор оқавасини қуйиш мумкин. 1110 сонли (1988 й) ҳукумат қарорига мувофиқ, денгизга ҳар йили камида 8,7 куб километр сув қуйилиши керак. Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, фақат Жанубий Оролбўйи суғориладиган зонасидаги коллектор оқаваларининг ўзи ҳисобидан қарорда талаб қилинган сув ҳажмининг 44 фоизини етказиб бериш мумкин.

Ҳарқалай, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммосини ана шу йўллар билан ҳам ҳал этса бўлади, деб умид боғлаш имконини беради.

Баҳодир БАҲРИДДИНОВ,
Ўзбекистон республикаси Академиясининг «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» тажрибахонаси мудири, география фанлари номзоди.

Эрта тонгда мардикор бозорида дийдираб турган йигитчаларни кўрсам юрагимга туз сепгандек бўлади. Тирикчилик қурсин, деб қўяман ичимда, одамларни қандай кўйларга солмайди. Ўз шаҳар ва қишлоқларида ота-онасининг арзанда фарзандлари бўлиб юрган шу йигитчалар ҳозир арзимаган пул учун кун бўйи хизматингизни қилишга тайёр бўлиб туришибди.

ШАҲАРНИНГ АЛДАМЧИ СЕҲРИ

Беихтиёр ўйлаб кетасан, киши. Олис юртлардан оворaю сарсон бўлиб Тошкентга келишдан не фойда шуларга. Шифокор бўламан деса Андижон, Самарқанд, Бухорода ҳам медицина институтлари бор-ку. Барча вилоят марказларида педагогика институтлари, кўпгина шаҳарларда техника олий ўқув юртлари ёки уларнинг филиаллари ишлаб турибди-ку. Ахир ҳамма олий билим юртларининг ўқув дастурлари ҳам, берадиган дипломлари ҳам бир хил-ку. Ал Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқа алломаларнинг ўз юртларида ўқиб, оламга машҳур бўлганликлари барчага аён-ку. Нечун ҳозирги ёшлар ўз юртларидаги олий ўқув юртларини четлаб катта шаҳарнинг катта ташвишларига «шерик» бўлишаяпти. Ёки Тошкентнинг алдамчи сеҳри уларни ўзига маҳлиё қилаяптими?

Тошкент шаҳрининг имкониятлари ҳозир ҳаммага маълум. У илм олиш учун келаётган йигит-қизларни онадек ўз бағрига олишга ҳамиша интиқ бўлгани билан лекин бунга имкони йўқлигидан «оҳ» чекаяпти. Институтларда лаборатория ва аудиторияларнинг етишмаганлигидан ўқув машғулотлари икки сменада олиб борилаяпти. Ётоқхоналар эҳтиёжнинг 50—60 фоизини қондираяпти, холос. Қолган йигит-қизлар ижарада яшашга мажбур бўлмоқдалар. Ижара ҳақининг қанчалиги фақат у ерда яшаганларга маълум. Ҳозирги озиқ-овқат тақчиллиги, бозордаги нарх-наволардан оғиз очмаса ҳам бўлади. Шаҳарда бир боғ кўкатдан тортиб бир стакан оддий сувгача, ётар-турардан тортиб ейиш-ичишгача — ҳаммаси пул. Шуларни кўриб бойсунлик бир дўстим шаҳарни чидаганга чиқарган, деб қўйганди. Чидай олмаганлар охир-оқибатда ўз кучини сотиб тирикчилигини ўтказишга, чайқовчилик ва ўғирлик қилишга мажбур бўлади. Бунинг оқибати эса ҳамиша вой...

Бозор иқтисодиёти энг аввало кам таъминланган оилалар қатори талабалар қаддини ҳам букиб қўяяпти. Ўсадиган ёшлар яхши еб, яхши ичишни истайди. Лекин бунга чўнтак кўтармайди. Шундан кейин асабийлашишлар бошланади. Асаб ҳам темирдан эмас. Социал азобларга дош беролмай бир жойидан чирт этиб узилади ва ёшлар кўчага чиқади. Қон тўкилади, одамлар тинчи йўқолади.

Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган январь воқеалари ҳаммамизни ҳушёр қилиб кўйди. Бу воқеалардан энди жиддий хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Чуқуррок ўйлаб кўрайлик. Имконияти йўқ шаҳар олий ўқув юртларига бошқа вилоятлардан кўплаб талабаларни қабул қилиш зарурати бормикан? Агар зарурат бўлса ҳар бир вилоят Тошкентда қўшимча ўқув юртлари, ётоқхоналар, даволаш муассасалари, озиқ-овқат корхоналари каби зарур объектлар қурилишига олдиндан кўмаклашиши керак. Таъминотнинг ҳам бир қисмини вилоятлар ўз зиммасига олсин. Майли Талабалар шаҳарчасида, бошқа олий ўқув юртларининг ётоқхоналари ёнида қўшни вилоятлардан келган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар очилсин, галма-галдан вилоятлар куни ўтказилсин. Шундай кунларда олис юртлардан келиб билим олаётган, замонага муносиб инсонлар бўлиб етишаётган талабалар шарафлансин, совға-саломлар билан сийлансин. Шунда ўша талабада ўз юртига ва юртдошларига бўлган меҳри яна ҳам товланади, уларнинг юзини ерга қаратмасликка ҳаракат қилади. Ўқишни тамомлаб аллбатта ўз юртига қайтишни юрагига тугиб кўяди.

Лекин ҳозир ҳамма ёшларда ҳам шундай туйғу бормикан. Олис қишлоқлардан Тошкентга келган баъзи ёшлар тезда ўзларини жаннатнинг ўртасига тушиб қолгандек ҳис этадилар. Бир томонда соя-салқин хиёбонлар, иккинчи томонда ресторану кафелар, чақчақлашаман десангиз хушрўй йигит-қизлар... Шаҳарнинг турмуш тарзи тезда уларнинг ҳам ташқи кўринишларидан тортиб гапсўзларигача ўзгартириб юборади. Кунда-кунора магнитафоннинг овозини баланд қилиб, туғилган кунларни нишонлаш бошланади. Шу баҳонада оёқ олишлар ўзгаради. У ётоқхона билан бу ётоқхона ўртасида танда қўйишлар кўпаяди. Ахир бу ерда уларни тергайдиган ота-оналари, ака-опалари йўқ-да. Тўла демократия ва ошкоралик уларнинг бошини гангитиб кўяди.

Талабалар фақат ўқитувчилардан бироз ҳайиқишлари мумкин. Шунда ҳам ҳаммаси эмас. Пулдорлари ўқитувчиларни ҳам бир мирига олмайди. Улар уйдан келадиган, чайқовчилик йўли билан топиладиган пулнинг кучи билан «танка»лар орттиришган. Имтиҳон кунлари шу «танка»ларни миниб боришади-да, кўз очиб юмгунча баҳоларини олиб чиқишади. «Танка»ларнинг олди профессор бўлса, бундайроғи доцент. Уларнинг гапини ҳар қандай ўқитувчи ҳам икки қилмайди. Чунки эртага ўзи ҳам шуларнинг олдига илтимос қилиб бориши мумкин. Ўша гап тўғри — қарға қарғанинг кўзини чўқимайди. Лекин бундан иқтисодиётимиз, маънавиятимиз катта завол кўраяпти. Таниш-билишнинг кучи билан диплом олган талаба эртага ишни эплаб кетишига кўзингиз етадими? Йўқ. Одам бировнинг қанотида олисга учиб боролмайди. Шундай чала мутахассислар касрига бугун биз ночор ва нотавон бўлиб ўтирибмиз. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Албатта, биз бу ўринда айрим енгил талабалар хусусида сўз юритаяпмиз. Ҳалол ўқиётган минг-минглаб ўғил-қизларимизга бунинг даҳли йўқ, деб кўймоқчимиз. Лекин шунга қарамай бирнинг касри мингга, мингники туманга уради деган гапни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Ўқиш ўрнига чайқовчилик қилиб юрган, софдил йигит-қизларни йўлдан ураётган кимсалар талабалар орасида йўқ эмас. Уларнинг баъзилари нопок ишлари учун ўқишдан ҳайдалган бўлсалар-да лекин махфий тўдалар измидан чиқа олмай, подани булғатиб юрибдилар. Бечора ота-оналари эса болам Тошкентда ўқияпти, яқинда катта одам бўлиб келади дея умид кўзи билан боқиб ўтирибдилар. Ноқобил фарзанд эса бу ерда ўз айшини суриб юрибди. Мана кўрасиз, бора-бора у шаҳарга сингиб кетади, ота-онасини ҳам, юрти ва юртдошларини унутиб юборади. Охири ўзи ҳам унутилиб кетади.

Баъзан ҳайрон бўласан киши. Кўрпа кўтариб уйма-уй кўчишлар ҳам, иссиқ-совуқсиз кунлар ҳам уларни шаҳардан нечун бездирмайди. Арзимаган ишнинг орқасидан умрлари ўтиб бораётганлигини ҳам сезишмайди. Бўлмаса, мутахассислар қишлоқ учун қанчалик зарур. Уларни вилоятларда олам-олам иш кутаяпти. Қишлоқ ҳаётини шундай азаматлар ўзгартирмаса ким ўзгартиради ахир?!

Шуларни фикрлаб энг аввало ҳар бир ўғил-қизда киндик қони тўкилган тупроққа меҳр туйғусини уйғотиш зарур экан, деган хулоса чиқаргимиз келади. Шунда у қаерда бўлса ҳам қишлоғига қанот боғлаб учадиган бўлади, ўз юртига кўпроқ фойда келтириш, ота-онасининг оғирини енгил қилиш кўйига тушади.

Ўзи ҳамма иш бошида нотўғри бўлган. Турли-туман олий ўқув юртларини Тошкентга ғуж қилиб тўплаш шартмиди? Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтини Сирдарё ёки Жиззахга кўчирсак осмон узилиб ерга тушармиди. Қишлоқ хўжалик институтини бир қадам бўлса-да Тошкентдан ташқарига кўчирилганда ҳеч нарса ўзгармади-ку. Ҳозир молия, иқтисод дорилфунунларининг бир жойда қўл ушлашиб турганига нима дейсиз. Балки уларнинг бирини бошқа регионга кўчирсак одамларга қулайлик яратган бўлмасмидик. Шунга ўхшаш саволлар жавобсиз қолиб келаяпти.

Олий таълимни ислоҳ этиш учун биз ҳали кўп иш қилишимиз керак. Балки ўқишга қабул қилиш тартибини ҳам бозор иқтисодиётига мослаш керакдир. Бу ўринда чет элликлар тажрибаси қўл келиши мумкин. Агар ўқиш пулли бўлса олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси анча яхшиланарди, мутахассислар тайёрлаш сифати ошарди.

Айни пайтда вилоятлардаги олий ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш масаласини ҳам чуқуррок ўйлаб кўриш керак. Чунки ёшларнинг олис шаҳарларга бориб ўқиши бундан буён кийинлашаверади. Йўл харажатларининг ўзиёқ тинкани қуритиб юборади. Шунинг учун катта шаҳарлар сеҳрига учмай, ўша жойларнинг ўзида билим олиш учун зарур шароитларни яратиб бериш керак. Шунда ортиқча ташвишларга ўрин қолмайди. Энг муҳими, ўғил-қизлар ота-оналари бағрида, юртдошлари кўзи ўнгида бўладилар, ёмонлар таъсирига берилмайдилар. Ўқишдан бўш кунларида эса фойдали меҳнат билан шуғулланадилар, оилага ёрдам берадилар. Шундай тартибга сиз нима дейсиз?

Жасур НОСИРОВ.



АТОРНИНГ КУТИСИ

Об-ҳавони кузатиш марказидан хабар қилинишича, шу кечакундузда об-ҳаво лаганбардорларнинг юзидек тез ўзгарувчан ҳамда турланувчан бўлади. Шунинг учун э... қайси кунлиги эсимда йўқ, ёмғир ёғади, шамол бўлади. Ёғиннинг кўп



бўлиши, аммо сочиннинг яқин ўртада бўлмаслиги кутилади. Ойнинг бошларидаги совуқ туфайли нарх-наво ҳам ошиб боради. Чунки, Россия томондан эсган қаҳатчилик шамоли бозорларимизга ҳам етиб келмай қолмайди. Натижада, бозорда мева-чеваларнинг баҳосини сўраган харидорларнинг бирдан ҳарорати кўтарилиб, 39—40 даражага чиқиши, тепа сочи тик-ка бўлиб, аъзойи баданини совуқ тер қоплаши мумкин. Ёки аксинча, гўштнинг нархини эшитганларнинг ҳарорати кескин пасайиб кетиши, пешонаси музлаши, «энди қандай тирикчилик қиламиз?» дея ғўлдираш эҳтимоли бор.

Ойнинг биринчи ярмида эса осмон бюрократларнинг юзидек тунд бўлади. Дўконларда харидорлар қайтим сўраганида, айрим сотувчиларнинг авзойи бузилади, қовоғидан қор ёғади. Мартда ҳам ойнинг 15 қоронғу, 15 эса, ёруғ бўлади.

Ҳафтанинг қайси бир куни кучли жала ёғиб, тўрт қаричгача кўтарилади, лекин сув беғамларнинг тўпиғига ҳам чиқмайди. Ойнинг охирида режани тўлғизолмаган раҳбарлар, қўл остидаги ходимларга бақириши натижасида чақмоқ чақиши, момоқалдироқ бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қўлга тушган порахўрлар совуқ қотгандек тиши-тишига тегмай тақиллаши, ер депсиниши кузатилади. Маъруза тинглаётган талабаларнинг хаёли кинода бўлганлиги туфайли, ўқитувчининг гапи елвизакдек у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади.

Бюрократларнинг «Бор қўлингдан келганини қил!» деган совуқ нафаси аризачиларнинг этини жунжиктиради. Ойлаб йиғиб олинмайдиган ахлатхоналар томондан эсган «майин» шабада, «хушбўй» ҳидларни тез-тез олиб келиб, бурунларимизни қитиқлаб туради.

Кўп қаватли уйлардаги иситгич тармоқларининг мутлақо ишламаслиги оқибатида хонадонларга қараганда кўча бирмунча иссиқроқ бўлади. Ниҳоят, пойтахтдан эсган мустақиллик шамоли, тўраларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб ўтиб, оз бўлсада меҳнаткашларнинг кўкрагига тегади, эркинроқ нафас олиш имкониятини беради.

Сиз қисқача об-ҳаво маълумоти билан танишдингиз.

Синоптик Марат ШАРИФ.

Якшанба. Машина бозори. Оқ рангдаги «Москвич» савдо қилинмоқда.

— Юз элликтадан бир сўм ҳам ками йўқ,— дейди олифта сотарман.

— Бир юз қирқ беш минг,— дейди атрофдагилардан нажот кутиб оларман йигит.— Ака, ахир инсоф қилинг, пулни кўчадан супуриб олаётганимиз йўқ.

— Машинани ҳам текинга олмаганман, акаси!

— Менга қаранг, ука, машинани сотгани олиб келганмисиз,— дейди сотарман билан оларманнинг қўлини ушлаб ҳамма ерда ҳозир-у нозир даллол.— Келинг, шу укамизнинг машинангизга меҳри тушиб қолибди, айтганига бера қолинг, ўзиям камбағалгина бола экан...

Бозор куни ярмаркада савдо қилаётган янги дўкон мудири Ғирромбекнинг олдига матлубот жамияти раиси келди.

— Анави атласингиздан бир кийимлик ўлчанг,— деди у жиддий.

Ғирромбек дарҳол матони ўлчади ва қоғозга ўраб узатди-да:

— Пулини қўяверинг, кейинги сафар оларман,— деди сиполик билан.

Раис қошларини чимирди.

— Олинг, гап қайтаришни ўрганманг.

Ғирромбек эртасига идорада ўзининг ишини эплай олмагани учун ишдан бўшатилгани ҳақидаги буйруқни кўриб қолди. Енгинасида турган кекса савдо ходими Туллак ака бунинг сабабини тушунтириб берди.

— Раис қанча пул узатганди?

— Иккита юз сўмлик. Ҳар метрига қирқ беш сўмдан, бир юз ўттиз беш сўм олиб қолиб, олтмиш беш сўм қайтардим.

— Сенинг хатоинг худди мана шу ерда,— деди Туллак ака.— Раисга икки юз сўмини майдалаб қайтаришинг керак эди...

Тўпловчи: Узоқбой САКСОНБОЕВ.

ТАБИИЙ НУР

— Электр энергия билан ёруғлик ўртасида қандай фарқ бор?

— Ёруғликка пул ҳам, купон ҳам тўланмайди!

ЭСНАШ ОҚИБАТИ

— «Эснамоқ» феъли ҳозирги замонда қандай турланади?

— Мен ухлаяпман, сен ухлаяпсан, у ухлаяпти...

СОВҒА

Уч ёшли Гулзодахон ойисининг қўлидаги чақалоқни эркалаб, деди:

— Сенга магазиндан янги қўғирчоқ олиб келиб бераман, деганингиз шуми?

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

Мухбиримиз Жўра Боборахмат тасвирга туширган ушбу суратга изоҳ танлашни сизнинг эътиборингизга ҳавола этдик. Азиз газетхонлар, жавобларингизни кутамиз.

Рассом хандаси



— Ким айтди сенларни ривожланган сайёрадан деб, шу аравага аклингиз етмаса.





Сўзсиз сурат.

О. ХОЛИҚОВ ва Х. СОДИҚОВ чизган расмлар.

ФОЖЕА

Толкўчалик Абдуваккос исмли шахс ўзи бирқитилган дўкондан талонга уч литр пахта ёғи олиб қайтаётганда бехосдан оёғи чалишиб йиқилиб тушди. Натижада оиласининг бир ойлик насибаси бўлган ёғ тўкилиб кетди. Бундай «фожеани» кўтаролмаган Абдуваккос юрак ўйноғи бўлиб, касалхонага тушди.

Айни пайтда мутасадди ташкилотлар томонидан бу «фожеа»нинг туб илдизлари ўрганилмоқда.

ҒИРРОМЛИК

Шаҳар марказида жойлашган чойхона мудири Ўтоларов чойхўрларни алдашда айбланмоқда. У мижозларига қуритилган шамани дамлаб беришдан ташқари чойхўрлардан купон ҳам талаб қилган. Энг асосийси 50 тийинлик чойни бир сўмдан пуллаган.

КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИЛДИ

Велосипедни катта тезликда ҳайдаб келаётган Шилқимбой Обкочаров бекатда машина кутиб турган кизга маҳлиё бўлиб, рулни бошқаро[illegible]май колди. Ва бехосдан йўл четиг[illegible]ги симёғочга урилиб тан жароҳать[illegible]лди. Жамоатчиликнинг зудлик билан кўрган чора-тадбири туфайли Ш. Обкочаров касалхонага ётқизилди.

ҚИДИРИЛМОҚДА

10 январь куни номаълум шахслар томонидан нон дўкони олдида нон кутиб турган Лаълихон исмли жувоннинг чўнтагидан 200 сўмлик купон ўмариб кетилган. Купон ўғрилари қидирилмоқда.

Дўкон сотувчилари диққатига: агарда бирон бир шубҳали шахс сизга яхлит 200 сўмлик купон билан мурожаат қилса шу яқин атрофдаги милиция пунктига хабар беришингизни сўраймиз.

ИСТЕЪФО БЕРДИ

Еттита хўжалик истиқомат қиладиган Товоқлисой қишлоғининг кассоби Вали ака истеъфога чиқди.

«Кейинги пайтда бозорларда қорамолнинг ҳам, қўйнинг ҳам нархи ошиб кетганлиги, гўшт қимматлашиши муносабати билан мижозларнинг гўштни насияга олиши кўпайганлиги мени шундай йўл тутишга мажбур қилди», деб жавоб берди у сўраганларга.

Ислом МАЛИК.
Ильич район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раисининг муовуни.

Ойнаи жаҳонда

(2—8 март)

ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Шахсий хўжаликлар истиқболи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Чолғу куйларидан концерт. 19.55 «Лўли». 20.15 «Билиб кўйган яхши». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Хотира». 22.05 «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.). 19.30 «Саломатлик хизматида». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Шунчаки саргузашт». 20.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Магистраль». Бадиий фильм. 22.25 «Лаҳза».

«ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 «Ўргимчак Ананси», «Ўргимчак Ананси ва сеҳрли таёқча». Мультфильмлар. 9.15 «Китобхона». 10.05 «Ол кўлим... ёки жавоб зарбаси». Бадиий фильм. 11.30 «Яна бир табассум». Фильм-концерт. 12.00 Янгиликлар. 13.20 «Бу бўлган, бўлганди...». В. Қозин. 13.40 «Телемикст». 14.25 «Дунё хотин-қизлари — гиёҳвандликка қарши» халқаро акцияси учун тайёрланган хайрия концерти. «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Хайрия концертининг давоми. 17.45 «Янги эртак». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. Танаффус пайтларида — (20.45) Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 22.45 Футбол шарҳи. 23.15 «Орёл сувенири» дастасининг концерти. 23.40 Муаллифлар ойнаи жаҳони. «Матбуот клуби».

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Кўлни бер, дўстим». 10.05 Болалар соати (француз тили дарси билан). 11.20 Хайрия байрами. 12.05 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. 16.00 «Россия билан юзма-юз». 16.20 Халқаро телемарафоннинг давоми. 18.00 Хабарлар. 18.25 Мусиқий кўрсатув. 19.00 «Россия билан юзма-юз». 19.15 «Сиз яратган боғ». 19.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 20.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 20.15 «Қишлокда тўй». Фольклор кўрсатуви. 20.45 «Ҳар куни байрам». 20.55 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.00 Хабарлар. 22.30 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафоннинг давоми. 23.55 Епиқ бинолларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. 00.50 «Архангельск» дастаси чалади. 01.20 «Бешинчи ғилдирак» (давоми). 02.05 Епиқ бинолларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати.

СЕШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Қадрдонлар кўчаси». Фильм-концерт. 8.50 «Ўпирилиш». Бадиий фильм. 10.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 11.10 «Мактабгача тарбия масалалари». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Онамга совға». 18.40 Деҳкон маслаҳати. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сифатли тола учун». 19.50 «Еднома». Элбек. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Спортлото». 21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Лутфуллаев куйлайди. 22.05 «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.25 «Қалб садолари». Телефильм. 18.55 Тошкент ҳокимияти раҳбарлари билан учрашув. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.40 «Кинонигоҳ». 23.25 «Пульс». Хабарлар.

«ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 «Шойи мўйқалам». Мультфильм. 9.05 Болалар учун фильм. «Қувноқ туш, ёки кулги ва кўз ёшлар». 1-серия. 10.10 «Россия тароналари телерадиотанловининг дипломанти Р. Султангареева ижро этади. 10.25 Футбол шарҳи. 10.55 Марлен Хуциевнинг ижодий портрети. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Ритмик гимнастика. 12.50 Экология. Жамият. Инсон. 13.20 «Адам Смит бойлиги дунёси». 13.50 «Ен дафтар». 13.55 «Бу сизга керакми?». 14.05 «Савдо растаси». 14.20 Халқаро телемарафон якунларига доир. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Ешлигимизда ҳавас қилган кишиларимиз. Аввалги йиллардаги машҳур совет боскичлари. 15.40 «Хуанита ля Лярга». Телевизион бадиий фильм (Испания). 17.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Кўрсатувлар тартиби. 18.25 «Америка: Буш поезди қаёққа боради». 18.50 «Инжик Мурод». Мультфильм. 19.00 «Қора кути. 19.40Марлен Хуциевнинг ижодий портрети. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. МАСК — «Крилья Советов». 2 ва 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.00 Телеэкранда биринчи марта. «Мцен уездилик леди Макбет». Бадиий фильм («Мосфильм» Швецария иштирокида суратга олган). 00.20 «Моторлар оламида». 00.50 «Хуанита ля Лярга». Телевизион бадиий фильм.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонадонингиздаги гуллар». 9.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 10.35 «XX аср. Кадрда ва кадр ортида». 11.35 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 13.20 Деҳкон кўрғони. 13.45 «Россия-часига хусусийлаштириш». 16.15 «Простор». Телебиржа. 16.45 «Умр кузи». «Саломатлик» телекўрсатувига илова. 17.00 Тадбиркорлик ва ананалар. 17.15 Эркин кураш бўйича халқаро турнир Александр Медвед кубоги. 18.00 Хабарлар. 18.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 Христианлар учун кўрсатув. 19.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Кўлни бер, дўстим». 19.25 «Россия ва дунё». Ахборот аналитик кўрсатуви. 19.55 Криминал хабарлар. 20.10 «Россия болалари». 20.20 «Ҳар куни байрам». 20.30 Екатеринбургда ҳужжатли фильмлар I фестивали. 21.45 Репортёр. «Копенгагендаги уч воқеа». 22.00 Хабарлар. 22.25 «Аглиц юмори». Сиёсий кўғирчоқ театри. 23.00 Петербург афсонаси. «Шереметевлар оиласи аёллари». 2-кўрсатув. 23.30 «Ва-банк» рок гуруҳи.

ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 Телефильм. 9.00 «Мукофотлансин. (Ўлимидан сўнг)». Бадиий фильм. 10.30 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 11.10 Ўзбек адабиётини ўқитишдаги изланишлар. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Дала юмушлари». 19.50 Республика хизмат кўрсатган артист Мирзаабдулло Раҳмонов. 20.15 «Ишбилармонлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Мусиқий қадриятларимиз». Қатта ашула. 1-кўрсатув. 21.55 «Экран таништиради».

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Биология. 11.00 «Жаҳаннам ёқасида». Телефильм. 11.30 Қимё.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...» 19.20 «Имконият». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 19.50 «Гжель жилолари». Телефильм. 20.00 «Спринт». 20.20 «Келгинди». Бадиий фильм. 21.55 «02» тўлқинида. 22.15 «Янграсин мусиқа». «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ҳузурида.

«ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 «Ўрмон сайёҳлари», «Найда». Мультфильмлар. 9.10 Болалар учун фильм. «Қувноқ туш ёки кулги ва кўз ёшлар». 2-серия. 10.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.30 «Туман тушган тонг». Фильм-концерт. 11.15 «Сергей Алимов. Автопортрет». 12.00 Янгиликлар. 12.20 Кўрсатувлар тартиби. 12.25 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.05 «Ўз-ўзингга мадад бер». 13.35 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.50 В. А. Моцарт. До минор фантазияси. 14.05 «Ен дафтар». 14.10 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Меҳр-шафқат ва умид». Ҳужжатли фильм премьераси («Софит» ижодий бирлашмаси). 15.35 «Бирдан бир эркак». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.40 «Болалар мусиқий клуби». 17.10 «Лабиринт», «Эх, Топтигин, Топтигин». Мультфильмлар. 17.40 «Виртуози Москви» камер оркестри ижро этади. 18.00 Янгиликлар. 18.20 Кўрсатувлар тартиби. 18.25 Рукн премьераси. «Максима». 18.55 Камбағал қишлоқ ҳақида бир оғиз сўз айтинг». 19.40 Режиссёр Г. Данелия фильмлари. «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Кўрсатувлар тартиби. 21.25 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 2-серия. 22.30 «Отражение» тунги мусиқий қаҳвахонаси. 23.55 Спорт гимнастикаси бўйича МДҲ чемпионати ва кубоги. 00.25 «50×50» телетомошаси. 00.55 «Бирдан бир эркак». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 9.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 «Россия бизнесмени-91». Танлов финали. 1-кўрсатув. 11.55 «Асл ҳолича...» Андрей Козирев «Республика» матбуот марказида. 12.55 «Рейн ва Волга ёшлар нигоҳи билан». 13.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 16.55 «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув. 17.40 «Россиячасига хусусийлаштириш». 18.00 Хабарлар. 18.20 Шахсий мулоҳаза. 18.35 «Тусовка: биржа варианти». Коммерсантлик — ҳамма боп касб. 19.00 «ЖАРдан репортажлар». 2-кўрсатув. 19.30 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 20.00 «Асл ҳолича...» Андрей Қозирев «Республика» матбуот марказида. 21.00 «Санъат олами». 21.35 «Россия билан юзма-юз». 22.00 Хабарлар. 22.20 «Менга сўз беринг». 22.35 Камер куйларидан концерт.

ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Юртим жамоли». Кинопрограмма. 9.25 «Қамтарин кулингиз». Бадиий филм. 10.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.35 «Фермер хўжаликларида». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Орол-бўйи муаммолари». 18.50 «Кўқондий латиф ёдгорликлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тадбиркорлар». 19.50 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Ислом маданияти кўшиклари». 21.45 «Нур таратган сохибалар». Кинокўрсатув.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Таллиннидаги карнавал». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс». Хабарлар.

«ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 «Бачо ва унинг онаси ҳақида эртак». Мультфильм. 8.55 «Болалар мусиқий клуби». 9.25 Телеэкранда биринчи марта. «Аэлита», эркакларга хиралик қилма». Бадиий фильм. 10.50 «Украинча ҳангомалар». Фильм-концерт. 11.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 13.05 «Инсон ва қонун». 13.45 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «Бирдан-бир эркак». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.00 Болалар учун фильм. «Электрон бува». 18.05 Янгиликлар. 18.25 «Кенес Жандибаев, ислоҳчи». 18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.20 «Аэлита, эркакларга хиралик қилма». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Кўрсатувлар тартиби. 21.25 «Ўнгимдаги тушлар». Телефильм премьераси. Ёзувчи Л. Разгон қатағон йилларини эслайди. 22.20 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 22.50 «Кўрган кечирганларимиз». Тарихий-адабий альманах. 23.55 Фулл-контакт каратэ ҳамда кикбоксинг бўйича халқаро турнир. 00.40 «ВИД» таништиради: «Эльдорадо». 01.10 «Бирдан бир эркак». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.35 Геннадий Родионов рус халқ кўшиқларини куйлайди. 10.50 «Ким билсин — мангуликми ёки лаҳза». «М'Арс» замонавий санъат галереяси ҳақида. 11.35 «Футбол йиллар оша». (Н. П. Старостин юбилейига). 12.20 «Мутлақо махфий». 13.10 «Ляпсус». Хажвий кўрсатув. 15.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 16.10 «Ўғлимни деб». 2-кўрсатув. 16.50 «Исроил ҳақида тушлар». Иерусалим бўйлаб сайиллар». 1-фильм. 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 18.55 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.55 «Ҳар куни байрам». 20.05 Махсус тижорат хабарномаси. 20.15 Футбол. Европа чемпионлари кубоги «Динамо» (Киев) — «Барселона» (Испания). 22.00 Хабарлар. 22.25 «Менга сўз беринг». 22.40 Рус — Америка поп-гуруҳининг фильм-концерти. 23.10 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).

ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Унутмас мени боғим». Телефильм. 9.05 «Қиммат бола». Бадиий фильм. 10.25 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ешлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сифат — бош мезон». 19.30 «Нақшлар жилоси». 20.00 «Дил наволари». Насиба Абдуллаева ижросида янги кўшиқлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Экранда мусиқа». 22.10 «Чархпалак». 12-кўрсатув.

● ЎзТВ II

10.30 «Учишга рухсат». Телефильм. 11.00 «Таълим ва маданий мерос». Телефильм. 11.40 «Дайди автобус». Бадиий фильм. 16.45 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

«ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 Тайёрланмаган дарслар мамлакатида», «Чапанинг саргузаштлари». Мультфильмлар. 9.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.55 «Жазавали Айседора». Фильм-концерт. 10.30 «Ким аслида ким». Трансплантология асосчиларидан бири В. П. Демихов ҳақида телефильм. 11.15 «Сиз бунга қодирсиз». 12.00 Янгиликлар. 12.20 Кўрсатувлар тартиби. 12.25 «Саёҳатчилар клуби». (сурдо таржимаси билан). 13.20 Л. Рюмина куйлайди. 14.00 «Оққуш». Мультфильм. 14.15 «Ен дафтар». 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Кўрсатувлар тартиби. 15.25 «Фигурачи». Телевизион бадиий фильм. 17.05 «Исмингиз нима маънони англатади?». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Кўрсатувлар тартиби. 18.25 «Керак бўлиб қоладиган шамол». Мультфильм. 18.40 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Кўрсатувлар тартиби. 21.25 «ВИД» таништиради: «Нигоҳ», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Блюз Россияда». 00.40 «Астра» таништиради. «Росс эстрадаси — ижрочилик биржаси». 01.40 «Фигурачи». Телевизион бадиий фильм.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 «Бурда моден» таклиф этади... 11.05 «Россия бизнесмени-91». Танлов финали. 1-кўрсатув. 13.25 Деҳконларга тааллуқли масала. 13.45 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Динамо» (Киев) — «Барселона» (Испания). 16.15 «Аҳволлар қандай, Уфа?». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 16.45 «Простор»... телебиржа. 17.15 «Ўхшаш дунёлар». 18.00 Хабарлар. 18.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 18.55 «Версия». 19.10 Очиғини айтганда. «Нифоқ ороли. Японiядан туриб қараганда». 3-қисм. 19.40 «Менга сўз беринг». 20.10 «Ҳар куни байрам». 20.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.45 Бал рақслари фестивали. 21.20 «Республика мулки». Мусаввир Галина Чудакова. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Дилбар хонимлар учун». Кинокомедия. 23.30 «Маски-шоу». 24.00 «Осойишталик № 9». Байрам сони.

ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-серия. 10.05 Сирдарё шаҳар ўқувчилар уйи «Дурдона» рақс ансамблининг концерти. 10.25 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. Тошкент — Фарғона телекўприги. 12.15 «Эл хизматида». 12.55 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 13.30 «Замандас» кўрсатувининг 25 йиллигига (қозоқ тилида). 15.40 «Ул санамки...» 18.00 Мультфильм. 18.15 «Умид учқунлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Ешлик ёғдуси». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Ўзанини топар дарёлар». 22.20 «Кино осмонида чақнаган юлдузлар».

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

«ОРБИТА IV»

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 «Қора лайлак». Мультфильм. 8.40 «ТВ-Нева» таништиради: «Ким биз билан?». Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб. 9.00 «Циркни ҳамма севади». 9.45 Тонгги мусиқий кўрсатув. 10.15 «Марказ». 10.55 «Тадбиркор». Ишбилармон кишилар клуби. 11.45 Инсон институти. 12.25 «Мусиқий дўкон». 12.55 «Пи» белгиси билан. 13.45 Янгиликлар. 14.05 Кўрсатувлар тартиби. 14.10 «ЭХ». Экологик хроника. 14.25 «Хаёлимдаги йигит». Сергей Столяров. 15.25 «Зазеркалье». «Кулол ва кўза». Телевизион бадиий фильм (Инсон студияси). 16.55 «Қизил квадрат». 17.35 «Майя ариси». Кўп серияли телевизион мультфильм премьераси. 18.00 И. Николаев кўшикларини И. Аллегрова куйлайди. 18.15 «Саккиз қиз — бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. (Алиса). 18.45 «Бахтли тасодиф». Телевизион викторина. 19.45 «Золушка-80». Телевизион бадиий фильм премьераси 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Кўрсатувлар тартиби. 21.25 «Золушка-80». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 22.25 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 01.25 «Бир бокишда муҳаббат». 1-кун.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Чашмалар», «Дубна» болалар хор студияси. 8.50 Миллий баскетбол уюшмаси баскетбол шарҳи. 9.20 «Байрам» фольклор кўрсатуви (Саратов шаҳри). 9.50 «Супербуви-91» 10.55 «Плюс ўн бир» видеоканали. 12.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 13.55 «Чистие прудидаги уй». «Таништинг, «Сеҳрли фонарь» студияси». 15.25 «Петербург могиканлари». Екатерина Максимова. 15.55 «Третяковдаги нодир асарлар билан бўлган детектив воқеа». 16.15 «Сафсаталар». 16.55 «Ив Роше?...» нима дегани? Франциядан косметика. 17.20 «М-трест».

18.00—22.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Театр сафари. Драматик актриса керак. Вера Васильева. 23.40 «Рок-қаҳвахона».

ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия. 9.55 Спорт кўрсатувлари. 10.50 «Юрак билан кўриб турибман». Адабий кўрсатув. 11.10 «Қалбимда муҳаббат наволари». 11.55 Болалар учун. «Онажоним бор бўлсин». 13.55 «Парвона». Спектакль. 15.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Фақат қизлар учун». 18.00 Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Кўшиғим, жон кўшиғим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сен мени ишонтир...» Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ҳадя бўлсин Сизга гул ҳам, кўшиқ ҳам».

● ЎзТВ II

9.00 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

«ОРБИТА IV»

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Спорт ҳамма учун». 9.15 «Эрта саҳарлаб». 9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.25 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали «Хитой рақслари коллекцияси» (Хитой Пекин телевидениеси). 11.05 «Тонг юлдузи». 11.55 «Суперледи». Хотин-қизлар бешкураши. 12.25 «Лимпопо». 12.55 «Родопига саҳат». 13.10 «Қизлар минораси». Мультфильм. 13.30 «ТВ-Нева» таништиради: «Ким биз билан?» Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб. 13.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Кўрсатувлар тартиби. 15.25 «Марафон-15». 16.20 «Саёҳатчилар клуби». 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...» 18.50 Шеърият лаҳзалари. 19.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 19.15 кўрсатувлар тартиби. 19.20 «Телелоция». 19.30 «Саккиз қиз — бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви (Люся). 20.00 «Золушка-80». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар. 22.00 «Яқунлар». 22.45 Кўрсатувлар тартиби. 22.50 Актёрлар байрами. 23.50 «Қабаре». Эстрада мусиқий кўрсатув. 01.30 «Бир бокишда муҳаббат». 2-кун.

«ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Россиянинг ҳужжатли экрани. 9.05 Хоҳ ишонинг... Телекроссворд. 9.35 Нижегород тупроғининг мавсумий урф-одатлари. 10.15 «Севги изҳори». 10.30 «Дилетантлар мулоқотлари». Байрам кўрсатуви. 11.00 «Супер' китоб». Мультфильм. 3-серия. 11.25 «Атибати...» 11.55 «Телеассамблея». 12.55 «МАСК: Олтин мавсум ҳақида хотиралар».

13.55—15.35
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
15.35 «Омад». Мусиқий дам олиш кўрсатуви. 16.35 «Ҳайвонот оламида». 17.35 Қийин пайтлардаги камтарин эҳтиёжлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Ҳар куни байрам». 18.30 «Ишбилармон аёл»—«Эркаклар клубида» меҳмонда». 19.15 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 20.15 Спорт кўрсатуви. 20.25 «А» программаси. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Афсунгарлар». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. (Франция). 1-фильм. 22.50 «Ретро» байрам мусиқий кўрсатуви. 23.30 «Паваротга бағишлов». Концерт.

АЛЬБЕРВИЛЬ — 92:

ОЛИМПИАДА ЯКУНЛАРИ

Бу йилги февраль ойининг ўн беш куни ҳар бир спорт ишқибозининг ёдида қоладиган бўлди. Франциянинг Альбервиль шаҳрида 8 февралда бошланган XVI Қишки Олимпиада ўйинлари 24 февралгача давом этди. Унда МДҲ командаси спорт шарафини 141 спортчи ҳимоя қилди. Улар асосан 5 мустақил давлатлар — Россия, Украина, Қозоғистон, Белоруссия ва Ўзбекистондан борган спортчилар эди.

* * *

Мусобақанинг иккинчи куниёқ санкт-петербурглик 26 ёшли машҳур чанғичи Любовь Егорова 15 чақиримга ўтказилган мусобақада Олимпиаданинг дастлабки олтин медалини қўлга киритиб, ҳамдўстлик командасига илк ғалаба келтирди. Бу аёл 10 чақирим масофага ҳам ҳаммадан олдин етиб келиб иккинчи бор олтин медаль билан тақдирланди.

5 чақиримга бўлган мусобақада эса кумуш совринга эга бўлди. «Олтин» — финляндиялик ҳамшира Марьют Луккариненга, бронза Елена Вяльбега насиб этди.

Командага уч медаль келтирган Л. Егорова Томск шаҳрида туғилган, 7 ёшидан чанғида учиш билан шуғулланади. Сўнгги жаҳон чемпионатида ҳам 30 чақиримлик масофага чанғида югуришда чемпионлик унвонини қўлга киритган эди.

* * *

Учинчи куни ҳамдўстлик командасига бахт кулиб боқди, улар ҳаммадан кўп — 3 олтин медаль олишди. Шу куни фигурали учиш жуфти бўйича Наталья Мишкутенок ва Артур Дмитриевлар олимпиада чемпиони бўлишди. Москвалик 27 ёшли Анфиса Резцова ғолиблик шоҳсупасига аёллар ўртасидаги биатлон мусобақасида ютиб чиқиб эришди.

* * *

Украиналик 22 ёшли Виктор Петренко фигурали учиш мусобақасида ғалаба қилиб командага навбатдаги олтин медални туҳфа этди.

* * *

Мусобақадаги янги спорт тури «чанғи акробатикаси» бўйича Елизавета Кожевникова кумуш медаль совриндори бўлди. «Олтин» америкалик Донна Уэйнбрештга насиб этди.

* * *

МДҲ терма командаси хоккейчилари олимпиаданинг финал ўйинида ўзига хос ўйин кўрсатиб 23 февраль кунига қўйилган сўнгги медаллар гуруҳидан олтинни олишга лойиқ эканликларини исботлашди. Шу куни улар канадалик хоккейчиларни 3:1 ҳисобда мағлубиятга учратишди. Шундай қилиб, Олимпиада чемпиони унвонларини сақлаб қолишди.

* * *

1988 йилда қишки ва ёзги Олимпиада ўйинларида 66 олтин медаль билан биринчиликни олган собиқ Совет Иттифоқи вориси — МДҲ командаси бу йилги қишки Олимпиада ўйинларида 23 медални қўлга киритди ва мамлакатлар бўйича иккинчи ўринни олди. Германиялик спортчилар 26 медалга сазовор бўлишиб биринчи ўринни эгаллашди.

КИМ ҚАНЧА МЕДАЛЬ ОЛДИ

	Олтин	Кумуш	Бронза	Жаъми
1. Германия	10	10	6	26
2. МДҲ	9	6	8	23
3. Норвегия	9	6	5	20
4. Австрия	6	7	8	21
5. АҚШ	5	4	2	11
6. Италия	4	6	4	14
7. Франция	3	5	1	9
8. Финляндия	3	1	3	7
9. Канада	2	3	2	7
10. Жанубий Корея	2	1	1	4
11. Япония	1	2	4	7
12. Голландия	1	1	2	4
13. Швеция	1	0	3	4
14. Швейцария	1	0	2	3
15. Хитой	0	3	0	3
16. Люксембург	0	2	0	2
17. Янги Зеландия	0	1	0	1
18. Чехословакия	0	0	3	3
19. Испания	0	0	1	1
20. КХДР	0	0	1	1

ҚИЗИҚАРЛИ САТРЛАР

Олимпиада ўйинларида 64 мамлакатдан 2.300 спортчи қатнашди. Ғолибларга 57 медаллар гуруҳи қўйилди. Латвия, Литва, Эстония, Словения ва Хорватия командалари мусобақаларда илк бор қатнашди. Мусобақалар Франциянинг кўзга кўринган 13 спорт қароргоҳида ўтказилди.

* * *

МДҲ жамоасини «байроқсиз ва пулсиз команда» деб аташди. Шунинг учун бу команда ғолиблари шарафига Олимпиада байроғи кўтарилди ва бетховинча Олимпиада гимни янгради. Медаллар тақдим қилишда албатта ғолиб қайси мустақил республикадан бўлса ўша давлат номи тилга олинар эди. Кўпчилик спортчилар «СССР» деган ёзувли кийимда майдонга тушишди, сабаби янгиси учун маблағ йўқ эди.

* * *

Ғолиб командага 18 минг, кумуш медаль совриндорига 12 минг, бронза эгасига 6 минг франк ажратилган эди.

* * *

Ҳозирги МДҲ олимпиада командаси Барселонадаги ёзги Олимпиада ўйинларида сўнгги бор қатнашдилар. 1993 йил 1 январидан собиқ шўролар Иттифоқидаги барча давлатлар ХОҚ томонидан тан олиниши ва унинг аъзолари сонини 190 га етиши кутилмоқда.

* * *

Олимпиада ўйинларини минбарлардан 800.000 томошабин кузатган бўлса, ойнаи жаҳон орқали 2 миллиард одам томоша қилди.

«САМАНДАР»НИНГ ИЛК НАШРИ

«САМАНДАР» деб номланган Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг ташкилотчилари қисқа вақт ичида бир олам ишларни бажардилар. Шу изланишлар самараси сифатида «Фильм's» журнали пайдо бўлди. Унинг биринчи сони 80 минг нусхада чоп этилиб ўзбек ва рус тилларида Ўрта Осиё, Қозоғистон республикалари ҳамда Ҳиндистон бўйлаб таркатилди.

«Самандар» қўшма корхонаси муассислари — Ўзбекистон журналистлар уюшмаси бошқаруви, «Узбеккоопвнешторг» ташқи савдо бирлашмаси ва Ҳиндистоннинг «Феникс Оверсиз Лимитед» фирмаси ёш жамоанинг тезроқ оёққа туриб олишига яқиндан кўмаклашдилар.

Қўшма корхонага истиқбол кулиб боқаяпти. Ойлик реклама-ахборот журналидан ташқари яна бошқа босма маҳсулотлар ҳам чиқа бошлайди, совғалар тайёрланади, бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратилади, кино-видеофильмлар айирбошлаш йўлга қўйилади, тижорат ишлари бажарилади. Нарироқ бориб ўзбек ва ҳинд кино юлдузлари иштирокида томошалар ташкил этади. Бу тадбирлар икки буюк халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, албатта.

Дўстлик ва хайрихоҳлик нафаси илк нашр — «Фильм's» саҳифаларида чоп этилган мақолаларда сезилиб турибди. Киномиз дарғалари Малик Қаюмов ва Латиф Файзиевнинг табриклари, машҳур ҳинд ва ўзбек кино артистлари Раж Капур ҳамда Тўғон Режаматов ҳақидаги хотиралар, «Ўсарфильм» режалари ва Анил Капур кундаликлари каби қизиқарли мақолалар санъатсевар журналхонлар эътиборидан четда қолмайди.

Журнални таништириш маросимида «Самандар» қўшма корхонаси бош директори, журнал бош муҳаррири Мўътабар Каримова, бош муҳаррир муовини Убайдулла Абдушохидов журналистларни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб беришди. Якин келажакда журнал Озарбайжон ва Россия республикаларида ҳам тарқала бошлайди. Йил охиридан унинг ҳинд тилидаги нашри ҳам чиқа бошлайди. Янги нашр республикамизда чиқиб турган «Кино» журналининг йўлини тўсмайди. «Кино» илгари қандай бўлса бундан буён ҳам ўзбек киносеварларининг севимли журнали бўлиб қолаверади.

ДИҚҚАТ!!!

«РИЗИКО» суғурта жамияти барча истовчиларни штатсиз суғурта агентлари сифатида ишга таклиф қилади.

Иш тартиби — эркин. Меҳнат учун ҳақ ишбай асосида, суғурта тўловлари қийматининг 6 фоизи миқдорида тўланади.

Манзилгоҳимиз: Жуковский кўчаси, 3-боши берк кўча, 19-уй. «Протезист» заводининг рўпарасида.

Транспорт: автобуслар — 21, 30, 72, 48, 71, 28, 10. трамвайлар — 13, 15, 25, 27. троллейбуслар — 5, 7.

Успенский номли мактаб бекати

Телефонлар: 33-92-03, 33-22-74.

«КРАМДС- Магнитогорск» савдо-тижорат фирмаси

халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат ва саноат молларини нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олади. Биз мол келтирилганидан кейин давлат банки орқали счетга пул ўтказишимиз ёки мол айирбошлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилишимиз мумкин.

Таклифлар билан қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 454044, Челябинск вилояти, Магнитогорск шаҳри, Ленин кўчаси, 72-уй, 443-хона. Телефонлар: 70524; 72863.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Масъул котиб —56-52-78

● Котибият —56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87 -78

● Безатиш ва суратқашлик — 56-85-79

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари —56-87-74

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Якка тартибдаги обуна нархи 39 сўм 00 тийин.

● Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 52 сўм 08 тийин.

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 28 февралда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Тожибой Алимов

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № 236

● 139.250 нусхада босилди.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахоначи. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12